Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 219 (20. 786) • 1990 йил 25 сентябрь, сешанба • Баҳоси 3 тийин.

ЯНГИ ҲОСИЛДАН

Урганч ёғ-мой комбинатида 1990 йилда етиштирилган пахта чигитидан дастлабки туркум ёғ тайёрланди.

Ёғ ишлаб чиқарувчилар асосий эътиборни маҳсулот сифатига қаратмоқдалар. Улар ҳар тонна чигитдан 190 килограммдан — нормада белгиланганидан 15 килограмм кўп тозаланган ёғ олишмоқда. Бир кечакундузда эса бу ерда 800 тонна чигит қайта ишланади.

Урганч ёғ-мой комбинатининг жамоаси бу йил етиштирилган пахта ҳосилидан олинган 200 минг тоннадан кўпроқ чигитни қабул қилиш ва қайта ишлаш ниятида.

(ЎзТАГ мухбири).

СССР Министрлар Кенгашида

СССР Министрлар Кенгашининг иттифоқдош жумҳуриятлар иштирокида 22 сентябрь куни бўлиб ўтган кенгайтирилган мажлисида мамлакатнинг кўпгина минтақаларида ҳосилни йиғиштириб олишни тугаллашда танг вазият вужудга келганлиги алоҳида ташвиш билан таъкидланди. Бунга фақат ноқулай об-ҳаво шароитлари эмас, шу билан бирга тартибсизлик, интизомнинг бўшашиб кетиши ва шаҳар ҳамда қишлоқ ҳокимият ва бошқарув органлари ҳаракатларининг мувофиқлаштирилмаганлиги сабаб бўлди. Маҳсулот катта қисмининг далаларда нобуд бўлиши, давлат ресурсларига дон, қишга сақлаш учун картошка ва сабзавотлар етказиб беришнинг барбод бўлиши бевосита хавфи вужудга келди.

Йирик саноат марказларига ва айниқса Москва ҳамда Ленинградга сабзавот-мева маҳсулотлари ва картошка келтириш ишқ ғоят қониқарсиз аҳволда.

СССР Министрлар Кенгаши вужудга келган вазиятнинг кескинлигини эътиборга олиб, иттифоқдош ва мухтор жумҳуриятлар ҳукуматлари, халқ депутатлари ўлка ва вилоят Советлари ижроия комитетлари етиштирилган ҳосилни сақлаб қолиш юзасидан фавқулодда ҳолат жорий этишгача бўлган энг қатъий чора-тадбирларни зудлик билан қабул қилишлари керак, деб ҳисоблайди.

Жумҳурият идоралари ва маҳаллий идораларга йиғим-теримга саноат ва бошқа корхоналарнинг ишчиларини, хизматчиларини ва инженер-техник ходимларини қўшимча жалб этиш тўғрисида шошилинч тарзда қарорлар қабул қилиш таклиф этилди. Шу мақсадда айрим ҳолларда бир қанча муассасалар ва ташкилотларнинг ишини вақтинча тўхтатишга ҳам руҳсат этилди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ташиш учун қайси идорага қарашлилигидан қатъи назар зарур миқдорда юк автомобиллари ва бошқа транспорт воситалари юборилсин. Ҳосил йиғим-теримида банд бўлган ходимларни рағбатлантириш учун қишлоқ хўжалик корхоналари раҳбарларига моддий рағбатлантиришнинг самарали чора-тадбирларидан, шу жумладан меҳнатга натура билан ҳақ тўлашни кенг қўллашдан фойдаланиш тавсия этилди.

СССР Министрлар Кенгаши қишлоқ учун моддий-техника ресурслари ишлаб чиқаришни таъминловчи барча министрлик ва идоралар зиммасига ёнилғи, идишлар ва ўраш материаллари ҳамда бошқа материаллар билан таъминлашда бирон-бир узилиш рўй беришига йўл қўймаслик учун йиғим-терим ишлари тугалланаётган даврда уларни етказиб бериш устидан ғоят қаттиқ назорат ўрнатиш вазифасини юклади.

СССР Мудофаа министрлигига ҳарбий бўлинмалар ва хизматлар, ҳарбий ўқув юртлари кучи билан ҳосилни йиғиб-териб олиш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ташишда таъсирчан ёрдам кўрсатиш таклиф этилди. СССР Ички ишлар министрлигига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини фойдасига сотиш мақсадида сотиб олиш, таъмагирлик, маҳсулот етказиб бериш ва савдо қилишни бузиш билан шуғулланаётган шахсларнинг ҳар қандай ғайриҳуқуқий ҳаракатларининг пайини қирқиш тўғрисида кўрсатма берилди.

Мажлис якунида СССР Министрлар Кенгашининг Раиси Н. И. Рижков кузги дала ишларини тугаллаш, дон тайёрлаш ва сабзавот-мева маҳсулотлари ҳамда картошка етказиб бериш юзасидан давлат буюртмаларини бажариш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда Иттифоқ ва жумҳуриятлар органларининг куч-ғайратларини бирлаштириш зарурлигига алоҳида эътиборни қаратди. Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш кўп жиҳатдан шунга боғлиқ бўлади. 1991 йилда умумиттифоқ ва жумҳуриятлар озиқ-овқат фондларини тузиш ва ундан фойдаланиш тартиби, шартлари ҳақида бир қанча таклифлар айтилди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан қарор қабул қилинди. Бу қарор матбуотда эълон қилинади.

(ТАСС).

«ҲОСИЛ—90»

ПАХТАЗОР ЧОРЛАЙДИ

Қўлда терилган ҳар килограмм пахта учун 25 тийиндан ҳақ тўланиши кўпларни далага чорлади. М. Тангаева ва Г. Мавлоновалар ҳам айни кунларда Арнасой районидаги Ворошилов номли совхоз далаларида кунига 160—180 килограммдан «оқ олтин» териб, хирмонга тўкишяпти. Улар мавсумда 9—10 тоннадан «оқ олтин» теришмоқчи.

Суратда: М. Тангаева ҳамда Г. Мавлоновалар.

А. Тўраев сурати.

• НОМЕРГА ХАБАРЛАР •

БИРИНЧИЛАР ҚАТОРИ

ХОРАЗМ («Совет Ўзбекистони» мухбиридан). Урганч районидаги «Беговот» совхози пахтакорлари жумҳуриятимизда биринчилардан бўлиб йиллик режаларини бажаришди.

Қабул пунктларига 465 тонна хом ашё етказиб берилди. Ютуққа Р. Янгибоев, Х. Раҳимовлар бош бўлган коллективлар салмоқли улуш қўшдилар. Механизаторлардан С. Болтаев ва Қ. Раҳимовлар 80—90 тоннадан пахта териб хўжалик хирмонига барака киритишди.

Марра эгалланди. Шунга қарамай, терим қизғин давом этяпти. Совхоз деҳқонлари давлатга яна 150 тонна пахта топширишга қарор қилишди.

Шунингдек, Хонқа районидаги ал-Хоразмий номли давлат хўжалиги меҳнаткашлари ҳам йиллик режани бажардилар. Қабул пунктларига 1425 тонна юқори сифатли маҳсулот топширилди.

Хўжалик аъзолари яна 400 тонна пахта сотиш иштиёқида самарали меҳнат қилишяпти.

А. ҚОРЖОВОВ.

• ҚАШҚАДАРЁ ДАЛАЛАРИДА •

ҲОСИЛ КЎП

Оилавий звеномиз аъзолари ўтган йилдан бери ижара пудрати асосида ишламоқда. Биз мавжуд 13 гектар ерда деҳқончилик қилиб пахтадан мўл ҳосил етиштирдик.

Йиғим-теримга пухта тайёргарлик билан киришганимиз туфайли давлатга пахта сотиш йиллик планини ноҳияда биринчи бўлиб адо этдик. Гектаридан 15 центнер ўрнига 20 центнердан юқори сифатли хом ашё олинди.

Ҳосилни саранжомлашда техника асосий роль ўйнаяпти. Бу борада хўжалигимизнинг дала гвардиячилари бизга яқиндан туриб ёрдам бердилар. Қосим Соатов, Худойберди Чориев, Тўрабой Алимардонов каби механизаторлар жонбозлик кўрсатиб ишлашди.

Пайкалда ҳали ҳосил кўп. Коллективимиз ялпи ҳосилдорликни гектар бошига 25 центнерга етказиш учун йиғим-теримни авж олдирмоқдалар.

С. РАЖАБОВ,
Нишон районидаги «ВЛКСМ XVIII съезди» совхози оилавий звено бошлиғи.

10 КУНДА 750 СЎМ

Очиғи, қўлда терилаётган пахтага тўланадиган ҳақнинг оширилганлиги ғайратимизни оширди ва юборди. Биз оила аъзоларимиз билан яқдил келишиб далага чиқдик.

Онам Зевара Донақулова ва синглим Дилфуза билан ҳар куни эл хирмонига 250—300 килограммгача пахта териб тўкяпмиз. Хўжалик ҳисобчилари ўн кунлик меҳнатимизни сарҳисоб қилишди. 3 минг 68 килограмм пахта терибмиз. Меҳнатимизга яраша дуруст ҳақ ҳам олдик. 10 кунда 750 сўм.

Шунинг учун ҳам жумҳуриятимиз Президентига минг раҳматки, биздек оддий меҳнат аҳлининг бошини силади, ғамхўрликни кучайтирди. Меҳнатимизга лойиқ ҳақ оладиган бўлдик.

Мана энди янада ғайрат билан ишлаймиз. Мавсумда оила аъзоларимиз 12 тонна пахта теришга қарор қилганлар.

Д. МАРДОНОВА,
Қарши районидаги Карл Маркс номли совхоз теримчиси.

МАШИНА ТЕРИМИ ПЛАНИ БАЖАРИЛДИ

ҚАРШИ («Совет Ўзбекистони» мухбиридан). Косон районидаги қўриқ 54-совхоз механизаторлари 600 тоннадан кўпроқ пахтани машиналар ёрдамида териб, бу борадаги топшириқни уддалашди. Хўжалик далаларида 16 та терим агрегати юксак унум билан ишлатилмоқда.

Пахтани тез ва тоза териб олиш бўйича уюштирилган мусобақада Тоштемир Элмуров, Эшмўмин Қурбонов, Тоштемир Бекбоев, Кўклам Ботиров, Нажмиддин Воисов каби моҳир механик-ҳайдовчилар пешқадамлик қилмоқдалар. Уларнинг ҳар бири ўз агрегатлари билан мавсумда 100—110 тоннадан пахта теришни мўлжаллашган.

Бу йил чўлқуварлар давлатга 1100 тонна қўриқ пахтаси етказиб беришни режалаштирганлар. Механизаторлар ана шу маррани тезроқ эгаллаш учун ғайрат қилишяпти.

ЕТТИ МИНГ КИШИ ТЕРИМДА

Шаҳрисабзликлар бу йил 31 минг тонна пахта тайёрлашларн керак. Шу кунларда район колхоз ва совхозларида 7 мингдан зиёд киши пахта термоқда, 41 та агрегат пайкалларга киритилди. Улар билан район бўйича кунига 4 фоиз миқдорида пахта тайёрланмоқда.

«Партия XXVII съезди» колхозида бир кунда 6 фоизгача ҳосил саранжомлаб олинаётир. Хўжаликда ҳар беш-ўн кунда терим натижалари якунланиб, илғорлар моддий ва маънавий рағбатлантирилмоқда. Биргина Зулхумор Орзуқулова ўтган 10 кунда оила аъзолари билан терган пахтаси учун 1151 сўм ҳақ олди. Райондаги Ленин номли, Энгельс номли, «Ленинград» колхозлари, Киров номли совхозда ҳам йиғим-терим суръати ошмоқда. Қатор бригадалар планни бажардилар. Жумладан, «Ленинград» колхозидан Юсуф Раҳмонов, «Партия XXVII съезди» колхозидан Шербобо Норбобоев, Киров номли совхоздан Олим Қудратов, Жовли Эргашев каби бригада ва ижарачи звенолар бир неча кундан бери мажбурият ҳисобига пахта топширмоқда.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

КПСС АЪЗОЛАРИ БЎЛГАН ДЕПУТАТЛАР УЧРАШУВИ

Кремлда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоларининг коммунистлар — СССР халқ депутатлари билан учрашуви бўлиб ўтди. КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленумига тайёргарлик, СССР Олий Советининг тўртинчи сессиясида қабул қилиш режалаштирилаётган қонун лойиҳаларига партиянинг муносабати, унинг иқтисодий ўзгартишлардаги иштироки, шунингдек бозор муносабатларига ўтиш муаммолари тўғрисида гаплашиб олинди.

СССР халқ депутатлари партияни ботинан ривожлантириш вазифалари қандай бажарилаётгани, партиянинг у ёки бу принципиал масалалар хусусида тутган йўли тўғрисидаги маълумотларни олиш учун КПСС Марказий Комитети вакиллари билан мунтазам алоқада бўлиш зарурлиги тўғрисида истак билдирдилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг котиби О. С. Шенин ўз нутқида Марказий Комитет халқ депутатлари ва сайловчилар билан шундай учрашувларга тайёр эканини, сайловчиларнинг манфаатлари, ҳуқуқлари ва хоҳиш-талаблари ўзлари СССР Олий Советига сайлаб қўйган вакиллар фаолиятида устун ўрин тутиши кераклигини таъкидлади.

(ТАСС).

Ўзбекистон ССР Президентининг Фармони

ХАЛҚЛАР ДУСТЛИГИ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИНИНГ АЛОҲИДА НАМУНА КЎРСАТГАН БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик самарали илмий-педагогик фаолияти, қишлоқ хўжалиги учун малакали кадрлар тайёрлашдаги хизматлари ва ижтимоий турмушдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби

Зуев Владимир Ильич — сабзавотчилик кафедрасининг мудири

Шайхов Эркин Турдиевич — ректор

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими

Абдуллаев Абдуфаттоҳ Ғуломмаҳмудович — тайёрлов бўлимининг мудири

Абзалов Акмал — ўсимликларни ҳимоя қилиш факультетининг декани

Бикрицкий Владимир Матвеевич — марксча-ленинча фалсафа кафедрасининг мудири

Каримов Элбек Абдужаббарович — социализм назарияси кафедрасининг мудири

Лев Василий Тарасович — қишлоқ хўжалиги мелиорацияси кафедрасининг мудири

Маҳмудова Машкура Насимовна — ижтимоий-сиёсий тарих кафедрасининг доценти

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими

Ниёзалиев Ирисали — агрохимия кафедрасининг профессори

Остроухова Серафима Андреевна — мевачилик ва узумчилик кафедрасининг мудири

Третьяков Константин Григорьевич — сиртқи таълим проректори

Шоумаров Ҳикмат Баҳромович — партия комитетининг котиби, мевачилик ва узумчилик кафедрасининг доценти

Ўзбекистон ССР Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин:

Акбарҳўжаева Сайёра Фарҳодовна — ўсимликлар энтомологияси ва уларни ҳимоя қилишнинг аралаш усуллари кафедраси катта лаборанти

Омонтурдиев Болқибой Омонтурдиевич — халқаро алоқалар проректори

Бурхонова Раъно Анваровна — институт поликлиникасининг бош врачи

Ғиёзиддинов Зиёвиддин — зооинженерия факультетининг декани

Муҳаммадхонов Санжар — селекция ва уруғчилик кафедрасининг мудири

Расулев Абдулҳақ Абдулфаттоҳович — умумий деҳқончилик кафедрасининг доценти

Ҳакимов Ҳасан — пиллачилик ва тутчилик кафедрасининг доценти

Яшина Тамара Сергеевна — ўсимликлар физиологияси ва биохимия кафедрасининг катта лаборанти

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1990 йил 24 сентябрь.

«Обуна—91»

ДАРДИМИЗ ҲАМ, ТИЛИМИЗ ҲАМ БИР

МУШТАРИЙЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

Аравон тоғлари-ю боғларини, анжирзорлари-ю узумзорларини кўп гапиришади. Одамларининг очиқкўнгиллиги, меҳмонсуярлиги водий халқиникига жуда ўхшаб кетади. Районда истиқомат қилаётган 74,5 минг аҳолининг салкам 70 фоизи ўзбеклардир. Шу боисдан ҳам улар кўпроқ ўзбек рўзномалари-ю, жаридаларини ўқишади, телевизорда ҳам Ўзбекистон кўрсатувларини томоша қилишади. Хўжаобод, Марҳамат, Асака аҳлининг аравонликлар билан бозорлари ҳам битта, десак хато бўлмас. Мухбиримиз Ўш вилояти Аравон ноҳиясида бўлиб ўзбек тилида чиқарилаётган рўзномаларга обуна қандай кетаётганлиги билан қизиқди. Муштарийлар билан учрашди. Учрашувларда муштарийлар Ўзбекистонда чиқадиган рўзнома ва жаридаларга обуна бўлишнинг бу йилги шароитидан кўнгиллари тўлмаётганлигини айтишди. Уларни 1991 йил учун «Совет Ўзбекистони» рўзномаси йиллик обуна нархи бошқа республикалар учун Ўзбекистондагидан анча қиммат белгиланганлиги, яъни 33 сўм эканлиги ташвишлантирмоқда. Бу эса кўпчилик ўрта ҳол кишилар учун моддий қийинчиликлар туғдираяпти. Улар Қирғизистонда яшовчи ўзбеклар учун ҳам обуна нархлари Ўзбекистондаги нарх билан бир хил қилиб белгиланишини илтимос қилаётирлар.

* * *

Аравондаги учрашувларда шу куннинг долзарб муаммолари-ю, кўнгилларни тоғдек кўтарадиган, мақтанса арзигулик ишлари ҳақида ҳам сўз кетди. Қуйида учрашув қатнашчиларининг фикрларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Санталат ЮСУПОВА, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, «XXII партсъезд» колхози пахтачилик бригадаси бошлиғи: Партия ҳукуматимизнинг иқтисодий сиёсатини амалга ошира бориб, бригадамиз пахтакорлари шу йил планини сентябрь ойининг биринчи ўн беш кунлигида адо этдилар. Бригададаги мавжуд пахта майдонининг ҳар гектаридан режалаштирилган 25,3 ўрнига 26 центнердан ҳосил йиғиштириб, давлатга армуғон этдик. Шу кунларда мажбуриятни бажариш иштиёқи билан ҳаракат қилаётирмиз.

Албатта, бу ютуқни қўлга киритишда бригадамизнинг барча пахтакорлари, механизатори-ю сувчилари фидокорона меҳнат қилдилар. Илғор теримчилардан Ўғилхон Усмонова, Муборак Ҳожиева, Мукаррам Ҳамидова, механизатор Однажон Мамажонов ва сувчи Асқарали Қирғизбоевлар йиғим-терим мавсумида барчага намуна бўлишмоқда.

Шу ўринда келгуси йилдаги режалар ҳақида ҳам икки оғиз гапирсам. Қирғизистон партия ҳукуматининг кўрсатмасига биноан келгуси йили бригадамиз майдонларининг бир қисмига дон маҳсулотлари экиш чора-тадбирларини кўряпмиз. Маълумки, районимизда тамакичилик ҳам асосий ишлаб чиқариш соҳаларидан ҳисобланади. Тўғри, тамакидан келаётган иқтисодий самарадорлик хўжаликларнинг оёққа туришида қўл келяпти.

Ўзбекистон матбуотида қайта-қайта таъкидланганидек, бу соҳадаги, яъни тамаки етиштиришдаги уруғтликларнинг яхши тажрибасидан фойдаланса кўнгилдагидек бўларди.

Бизнинг ютуқ ва муаммоларимиз ҳақида «Совет Ўзбекистони»да тез-тез мақолалар берилса яхши бўларди.

Аҳат КАРИМОВ, райондаги Октябрь 50 йиллиги номли ўрта мактаб директори: Тўғриси: «Совет Ўзбекистони»дан Аравонга мухбир келганлиги мени руҳлантирди. Бу янгиликдан хурсанд бўлдим.

Мени кўпдан бери ташвишга солаётган муаммолар ҳақидаги сўзларимни ўзбекистонлик фан захматкашларига етказилишини сўрардим. Мен раҳбарлик қилаётган ўрта мактаб СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Ўзбекистон жумҳурияти Фанлар академиясининг академиги, Ленин мукофоти лауреати, геология — минералогия фанлари доктори, профессор Ҳабиб Абдуллаев номли кўчада жойлашган. Шу боисдан ҳам бир неча йил аввал биз, мактабдаги дружина номини ҳамюртимиз Ҳабиб аканинг номига қўйганмиз. Ўтган йили май ойида мактабимизнинг номини ўзгартириб, Ҳабиб Абдуллаев номи билан аташ ҳақида педагогик кенгашнинг қарорини қабул қилгандик. Бу қарор район ва вилоят ижроия қўмиталари томонидан маъқулланиб кутиб олинганди. Аммо ҳануз бу масала ҳал бўлганича йўқ. Бизнингча, бу масала эртами-кечми ижобий ҳал қилиниши аниқ. Шу ўринда кўпчиликнинг фикрини ҳисобга олиб, мактабимизда академикнинг мактаб-музейини ташкил қилишга бел боғладик. Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистонда умрининг ярмидан кўпи ўтган — нафақат жумҳурият, Иттифоқ ва жаҳон геология ва минералогия фанига муносиб ҳисса қўшган Ҳабиб Абдуллаевнинг мактаб-музейи учун ўзбекистонликлар ҳам у ҳақдаги ёдгорлик ва буюмлар, асарлар, фотосуратлар бўлса, бизга тортиқ қиладилар, деган умиддамиз.

Аравондаги учрашувлар сўнггида биз район партия қўмитаси биринчи котиби М. Султонов қабулида бўлдик. Унинг таъкидлашича, районда истиқомат қилувчи аҳолига Ўзбекистон мафкурасининг таъсири жуда катта. Миллатимиз ўзбек бўлганлиги учун ҳам ўзбеклар диёридаги воқеалар доимо эътиборимизда. Ўнга яқин Меҳнат Қаҳрамонларимиз бор. Районда чиқадиган «Дўстлик» газетаси ҳам шу йилдан бошлаб ўзбек тилида чоп этилаётганлиги кўпчиликни мамнун этди.

Шу ўринда биринчи котибнинг рўзномамизга бўлган тилакларини ҳам келтирамиз. Кейинги пайтда рўзномадаги материалларнинг ранг-баранглиги ортди. Айниқса, Ўзбекистон тарихида катта из қолдириб кетган йирик алломалар ҳақидаги материаллар кўпчиликнинг эътиборида. Ҳозирги давр талаби мафкурадаги ҳаракатни умумлаштириб, бошқариб туриш керак. Бозор иқтисодиёти ҳақида, қирғизистонлик ўзбеклар ҳақида тез-тез рўзномангиз орқали чиқишларни умидворлик билан кутамиз.

Суҳбатларни «Совет Ўзбекистони» мухбири Д. ҚИРҒИЗБОЕВ ёзиб олди.

СССР прокуратурасида

Шу кунларда Москва шаҳар прокуратураси В. И. Новодворскаяга нисбатан қўзғатилган жиноий иш юзасидан тергов ўтказмоқда, у СССР Президенти шанига, шу жумладан оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиб, бир неча бор тухмат ва кўпчилик ўртасида ҳақорат қилган.

1990 йил 20 сентябрь куни адвокат иштирокида В. И. Новодворскаяга «СССР Президенти шани ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги СССР қонунининг биринчи моддаси иккинчи қисмида кўзда тутилган жиноятни содир этишда айб қўйилди ва жиноятнинг олдини олиш чораси сифатида ундан ҳеч қаерга кетмаслик тўғрисида тилхат олинди.

Қонун талабларига — РСФСР жиноят процессуал кодексининг 188-моддасига қатъий мувофиқ равишда, айбланувчи саломатлиги тўғрисидаги объектив маълумотларни эътиборга олиб, прокурорнинг розилиги билан у стационар суд-психиатрия экспертизасидан ўтказиш учун даволаш муассасасига жойлаштирилди, экспертиза тугаллангандан кейин унинг жавобгарлиги тўғрисидаги масала ҳал этилади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДАН

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми 24 сентябрда Ўзбекистон ССР халқ депутати, Фарғона вилоятининг Бағдод районидаги 18-ўрта мактаб директори Рустамжон Тожиев вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қилади.

*

ТАДБИРКОР КУТУБХОНАЧИЛАР

А. С. Пушкин номли Самарқанд вилоят кутубхонаси жамоаси янгича шароитда хўжалик юритмоқда. Чунончи, мустақиллик ва ташаббус ҳамда ходимларни моддий рағбатлантириш борасида изланиш, аҳолига пулли хизмат кўрсатиш ҳажмини кенгайтириш каби ўзига хос янгиликларнинг жорий этилиши қисқа муддатда кутубхона иқтисоднётини мустаҳкамлашга имкон берди. Ходимларнинг ойлик иш ҳақлари кўпайди.

Кутубхонада аҳолига хизмат кўрсатишнинг янги хиллари жорий этилди. Жумладан, «Оилавий абонемент» ташкил этилиб, китобхонларнинг ёшларига мувофиқ турли адабиётларни тавсия этиш йўлга қўйилган. Видеофонотека ҳам кўпчиликка маъқул келмоқда. Бундан ташқари ўзбек ва рус тилларидаги граммпластинкалардан фойдаланиш мумкин. Келишилган нархларда турли китоблар савдоси уюштирилади. Ҳозир ўлкашунослик адабиётлари бўлимини ташкил этиш ва уни камида 3 мингта китоб билан таъминлаш мўлжалланмоқда. Китобхонларнинг таклифига мувофиқ адабий-мусиқий меҳмонхона очиш ҳам кўзда тутилган. Қизиқишлар бўйича клуб ҳам китобхонларга хизмат кўрсатади.

Суратда: кутубхонанинг тижорат хабарлари ва пулли хизмат бўлими мудираси В. Муҳаммаджонова иш устида.

Р. ҒАФУРОВ олган сурат (ЎзТАГ).



*

Долзарб мавзуда мусоҳаба

ҚИШЛОҚҚА ТЕЛЕФОН ХИЗМАТИ

Телефон алоқаси тармоғининг аҳволи ва келгуси вазифалар ҳақида Ўзбекистон ССР алоқа вазири К. Р. РАҲИМОВ билан суҳбат.

— Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши яқинда «Жумҳурият қишлоқ аҳолисига телефон алоқаси хизмати кўрсатишни ривожлантириш ва яхшилашни жадаллаштириш тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди. Вазирлигингиз бўлинмалари учун бу ҳужжат дастури амал ролини ўйнаши керак. Шундай эмасми?

— Албатта, ҳукумат қарорини амалга ошириш учун даъват этилган алоқачиларимиз жумҳуриятимизда тармоқ хизмати ҳали кўнгилдагидек эмаслигини ҳис қилмоқдалар. Телефон алоқаси такомиллаштириш ниҳоятда зарур бўлган соҳа. Бу фикрни изҳор этар эканман, аввало, қишлоқ аҳолисига муносиб хизмат қила олмаётганлигимизни кўзда тутяпман. Жамоат ва давлат хўжаликларида, бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарида телефонлаштириш шаҳар тармоқларига қараганда узоқ вақтлардан бери ортда қолиб келмоқда. Ўзбекистон шаҳарларида яшовчи аҳоли хонадонларига телефон тушириш ҳар юз киши бошига ҳисоблаганда жумҳуриятимиз ўртача Иттифоқ даражасига етган. Лекин бу ҳали муаммолар камайди, деган гап эмас. Бироқ қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш юзасидан бир қатор жумҳуриятлардан орқадамиз.

Қишлоқдаги хўжаликларнинг қарийб 10 фоизи ички хўжалик телефон алоқасига эга эмас. Лекин алоқанинг замонавий воситаларини жорий этиш ва улардан фойдаланиб, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлигини 25-30 фоиз ошириш имконияти аллақачон ҳисоблаб чиқилган. Аммо бу омил ҳамон резервлигича қолиб турибди. Жумҳуриятдаги 12891 аҳоли яшайдиган пунктдан 1361 таси телефон алоқасига эга эмас. Айниқса, телефонлаштириш соҳасида Қорақалпоғистон АССР (305 аҳоли пункти телефонлаштирилмаган), Самарқанд (574), Қашқадарё (364), Тошкент (251) ва Жиззах (240) вилоятларида аҳвол яхши эмас. Жамоа ва давлат хўжаликларида яшовчи оилалардан 5 фоизи хонадонларига телефон тушириган. Айни пайтда қишлоқларда ўрнатилган автомат-телефон станциялардаги 40 мингдан ортиқ номер турли сабабларга кўра бекор турибди. Мижозларнинг 15 фоизигина шаҳарлараро тармоққа автомат равишда чиқиш имкониятига эга холос.

— Сизнинг назарингизда қишлоқдаги телефон алоқаси тараққиётига нималар тўсқинлик қилмоқда?

— Сабаблар кўп. Асосий гап шундаки, таркиб топган амалиёт алоқа тармоғи ривожланишини чеклаб қўйган. Ўзингиз ўйлаб кўринг, жумҳурият аҳолисининг кўпчилик қисми яшайдиган қишлоққа шаҳарлардагига нисбатан жуда кам миқдорда маблағ ажратилади. Қишлоқ хўжалиги тармоғини таъминлашда марказлаштирилган капитал маблағлар соҳасида ҳам, шунингдек, вазирликлар ва идоралар, жамоа ва давлат хўжаликлари, маҳаллий Советларнинг жалб қилинган маблағларидан фойдаланишда ҳам шундай аҳвол. Тўғриси, телефон алоқаси — энг серхаражат тармоқлардан бири. Мисол учун юқорида айтилган 2361 та аҳоли пунктида биттадан телефон ўрнатиш учун 25-28 минг километр масофада алоқа тармоғи қуриш лозим. Бу, 30-32 миллион сўм капитал маблағ харажат қилиш, демакдир. 1991—1995 йиллар мобайнида кўзланган бутун иш дастурини амалга ошириш учун 300-330 миллион сўм керак бўлади.

Таққослаш учун шуни айтишим мумкин, якунланаётган беш йиллик мобайнида бу мақсадлар учун бор-йўғи 80 миллион сўм ажратилди, холос. Аммо ҳали олдимизда тахминан 40 фоиз мактаб, ижтимоий-маданий ва маиший бинолар, жумладан доятабиблик пунктларини телефонлаштиришни охирига етказиш вазифаси ҳам турибди.

Кўзда тутилган дастурий вазифаларни амалга оширишнинг энг ишончли ва зарур йўли — бу, телефон алоқасини ривожлантириш соҳасига Қишлоқ хўжалиги давлат-кооператив комитети, Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги, Сув иншоотлари қурилиши давлат комитети, бошқа бир қанча вазирликлар ва идораларнинг фаол иштирокини таъминлаш зарур. Ўз буюртмалари асосида қурилаётган объектлардаги ижтимоий соҳа тармоқ қурилишларини ўрнатиш ва ишга туширишни уларнинг ҳам бурчидир.

Қишлоқда телефон алоқаси суст ривожланаётганлигининг сурункали тус олган сабабларидан бири — «Узагростой» пудрат ташкилотларининг етарли даражада қувватга эга эмаслиги. Бугунги кунда биз шу тармоқ ишини бажаришга қодир бўлган биттагина махсус пудрат ташкилотига эгамиз, холос. Бу — «Узбексельстрой» бирлашмаси бўлиб, у йилдан-йилга тобора ошиб бораётган иш ҳажмини эплай олмаяпти. Бу соҳада жумҳуриятимизда ишлаб чиқариш ва монтаж ишлари вазирлигининг таклифи бизни бироз умидлантирмоқда. Вазирлик ўз таркибида телефон алоқаси ва радиолаштириш тармоқларини барпо этиш, реконструкциялаш ва кенгайтиришга қаратилган трест ташкил этиш ғоясини олға сурди. Гап фақат тезроқ шу трестни ташкил этишда қолган.

— Фан-техника ютуқларини жорий қилиш борасида нималар қилиняпти?

— Қишлоқ жойларида телефон алоқаси замонавий ва истиқболли алоқа техникаси воситаларини кенг жорий этиш асосида жадал ривожлантирилиши лозим. Электрон, автомат-телефон станциялари ва абонент концентраторлари, радиореле системалари, шунингдек, алоқа линиясини зичлаштирувчи аппаратура воситаларидан кўпроқ фойдаланиш даври келди. Бироқ шу беш йиллиқдаги амалий иш тажрибамиз кўрсатдики, бундай қурилмаларни мамлакатимизда ишлаб чиқариш ҳажмлари жуда чеклаб қўйилган.

Шунинг учун яқин иккиуч йил давомида бундай асбоб-ускуналарни чет элдан сотиб олиш учун валюта маблағларини қидириб топиш зарур бўлиб турибди. Айни пайтда жумҳуриятдаги ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланган ҳолда, алоқа воситаларини тайёрлашни кўпайтириш имкониятларини зудлик билан ўрганиб чиқиш лозим.

Бундай ёндашув, назаримда, анча самарали бўлур эди. Маълумки, жумҳурият ҳудудида электрон ва электр техника саноатининг Иттифоққа қарашли йирик корхоналари жойлаштирилган. Жумҳурият мустақиллигига эришиш шароитларида бу имкониятлардан фойдаланиш тармоғимизнинг зарур материаллар, ўлчов асбоблари, алоқа техникаси ва ҳоказоларга бўлган эҳтиёжини қаноатлантириш имконини беради. Шу муносабат билан Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши Давлат режа комитети ва тегишли ташкилотларга 1991 йилдан бошлаб жумҳуриятнинг айрим саноат корхоналарида алоқа ускуналари ва механизация воситаларини ишлаб чиқариш масаласини ҳал этишни топширди. Ўрта Осиё жумҳуриятларининг ҳисса қўшиш йўли билан Урганч шаҳрида қурилиши бошланган алоқа воситалари заводи тармоғимизда ўткир бўлиб турган муаммони ҳал этишда қисман ёрдам беради, деб ўйлайман.

— Ҳозирги кунда тармоқнинг бош вазифаси сифатида қандай масалаларни кўзда тутасиз, уларни ҳал этишнинг қандай йўллари бор?

— Ҳозирги кунда Ўзбекистон қишлоқларида яшовчи аҳоли жон бошига йилига 1 сўм 72 тийинлик хизмат кўрсатмоқдамиз. Бу — жуда кам. Бизнинг вазифамиз — яқин беш йил ичида хизмат кўрсатишни икки баравар кўпайтириш, хизмат хилларини янада кенгайтиришдан иборат. Вазирлигимиз 1991 йилдаёқ қишлоқлардаги телефон станцияларининг ҳамма мижозлари телефончи қизлар ёрдамисиз ноҳия маркази билан, беш йиллик охирига бориб қишлоқ телефонларининг 80 фоизидан автоматик равишда шаҳарлараро ягона автомат-телефон тармоғига бевосита чиқа олишни кўзламоқда. Шу режа амалга ошса, ҳар қандай қишлоқдан туриб, Шўро Иттифоқининг исталган шаҳри билан телефон суҳбати қуриш мумкин бўлади. Бугунги кундаги долзарб вазифа ҳақида тўхталадиган бўлсак, бу — бошқариладиган бозор иқтисодиёти шароитида муваффақиятли ишлашга тайёргарлик, ўтиш жараёнлари тармоқ учун оғир кечмаслигини таъминлашдан иборат.

Ишимизнинг яна бир муҳим томони шундан иборатки, алоқа корхоналари ҳозир валютага алоқа хизмати кўрсатиш имкониятларини ўрганишяпти. Бу йўналишда дастлабки қадамлар ҳам қўйилди, албатта. Тошкент алоқачилари хорижий вакилликларга ана шундай хизмат кўрсатишмоқда. Бу иш анча истиқболли бўлиб, алоқа техникасидан фойдаланишда чет эл мамлакатлари тажрибасини қўлланишга имкон беради.

Яна бир қувончли гап. Вилоят ижроқўмлари, Қишлоқ хўжалиги давлат-кооператив комитети, «Узбекинторг» ташкилотлари олдига бундан буён ҳар йили технология ускуналари ва материаллари олиш учун хориж билан битимларни расмийлаштириш чоғида Алоқа вазирлиги билан ҳам келишиб, тармоқ эҳтиёжини ҳисобга олиш вазифаси қўйилди. Бу ерда гап маҳаллий Советларнинг, шунингдек, тегишли ҳудудлардаги корхона ва ташкилотларнинг марказлаштирилган валюта маблағлари ҳисобига иншоотлар қуриш, реконструкция қилиш ва кенгайтириш учун ускуналар сотиб олиш ҳақида бормоқда.

Қайд этиб ўтилган вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш — бизнинг бурчимиз, Ишлаб турган алоқа корхоналарининг қувватларини янада ошириш ва улардан оқилона фойдаланиш, мавжуд камчиликларни қатъият билан бартараф этиш, хизмат кўрсатиш маданияти ва сифатини кўтариш йўли билан қишлоқ аҳолисига ҳам худди шаҳарликларга кўрсатилаётгани каби муносиб хизмат кўрсатишни таъминлашимиз керак. Бу биз учун шу куннинг долзарб талаби.

Суҳбатдош жамоатчи мухбиримиз И. АҲМЕТОВ.

КИЧИК ХАЛҚЛАРНИНГ КАТТА МУАММОЛАРИ

Маъмуриятчилик-бюрократик системанинг кўп йиллик ҳукмронлиги жамият турмушининг барча соҳаларига ҳалокатли таъсир қилди. Афсуски, маънавий ва иқтисодий танглик, аввало, миллатлараро муносабатларда асорат қолдирди. Жиддий муаммолар кам сонли халқларни ҳам четлаб ўтмади. Бундай халқларнинг айриммлари йўқ бўлиб кетай деб қолди. Совет Иттифоқи мухтор тузилмаларининг вакиллари 22 сентябрь куни миллий ўз-ўзини англаш ва ижтимоий фаолликнинг ўсиши муносабати билан пайдо бўлаётган мураккаб масалалар ва зиддиятларни муҳокама қилиш учун СССР Олий Советининг залида тўпландилар.

Москвага 34 мухтор жумҳурият, вилоят ва округдан 206 делегат келди. Булар 43 миллат ва 106 миллий ижтимоий-сиёсий ҳаракат вакилларидир. Анжуман иштирокчиларининг кўпчилиги барча поғоналардаги халқ депутатларидир.

Бўлажак Иттифоқ шартномасини ишлаб чиқишга ва мамлакат миллий-давлат тузилиши истиқболларига, мухтор тузилмалар суверенитети ва иқтисодий мустақиллиги масалаларига, айниқса, катта эътибор берилди. Бунда мухториятлар билан иттифоқдош жумҳуриятлар орасида зиддиятлар келиб чиққан тақдирда томонлар ўртасида холис ҳакамлик қилиш вазифасини ўз зиммасига олиши лозим бўлган марказнинг аҳамияти алоҳида таъкиданди. Делегатлар сони ва давлат мақомидан қатъи назар барча халқларнинг эркин ривожланиши учун кафолат берадиган иттифоқ давлатини сақлаб қолиб, мустақил жумҳуриятлар иттифоқини қарор топтириш лозим, деган фикрни билдирдилар.

Йиғилганларни СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Раиси Р. Н. Нишонов қутлади. У мазкур воқеанинг, айниқса тез-тез миллатлараро тўқнашувлар бўлиб турган ҳозирги вақтдаги муҳим аҳамиятини таъкидлади ва иштирокчилар нутқларидаги оқилона фикрлар муаммоларни амалий ҳал этишга ёрдам беради, деб умид билдирди.

(ТАСС мухбири).

САНЪАТКОРЛАР ҲИММАТИ

«ЖАЙҲУН НАВОЛАРИ — ОРОЛГА!»

Ўтган шанба ва якшанба кунлари Тошкентдаги В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройи яна санъат мухлислари билан гавжум бўлди. Бу ерда жумҳурият Орол ва Оролбўйини асраш қўмитасининг ташаббуси билан «Жайҳун наволари — Оролга!» деган ҳайрия концертлари уюштирилди.

Саройга ташриф буюрганлар Ўзбекистон, Қорақалпоғистон ва Татаристон жумҳуриятлари халқ артисти, Ҳамза номидаги Давлат мукофоти лауреати Отажон Худойшукуровнинг Комилжон Отаниёзовга хос ижрочилик билан йўғрилган, куйланган тароналари, Ортиқ Отажоновнинг фалсафий мушоҳадалар асосига қурилган қўшиқлари, Олмахон Ҳайитованинг мароқли ашулаларини тинглаб дам олишаркан, уларнинг маҳорати баробарида ҳимматини ҳам олқишладилар.

— Ҳассос санъаткорларимизнинг ҳиммати ҳамма бизнинг ҳам мамнунлиги, — дейди Орол ва Оролбўйини асраш қўмитасининг раиси, Қорақалпоғистон АССР халқ депутати Пирмат Шермуҳамедов. — Улар ҳайрия концертлари уюштириш ҳақида гап бўлиши билан ҳеч иккиланмай, бажонидил рози бўлишди. Масалан, Отажон Худойшукуров бетоб бўлишига қарамай, Қорақалпоғистондан, аниқроғи, Тўрткўлдан Тошкентга ўз вақтида етиб келиб, шогирдлари билан биргаликда кутилганидек дилбар ва ҳаяжонли программа намойиш этди. Қўмитамиз бундай саховатпеша санъаткорларга ўз миннатдорчилигини билдиради.

Ҳайрия концертларида сўз санъати намояндалари —Ҳамза номидаги Давлат мукофоти лауреати Омон Матжон, Бердақ номидаги Давлат мукофоти лауреати Муҳаммад Алилар ҳам иштирок этиб, ўзларининг янги шеърларидан ўқиб бердилар.

Ҳайрия концертларидан тушган 30 минг сўм Орол фондига ўтказилди.

Б. ЮСУПОВ.

Сайёрамиз нафаси

КЎКАТПАРВАРЛАР ТАКЛИФИ

● БУДАПЕШТ, 24 сентябрь. (ТАСС мухбири Оқилбек Солиев). «Машинангни бир чеккага қўйиб, бу ёғига пиёда кет» — Венгрия кўкатпарварлар партияси даъватларидан бирини тахминан шундай ифодалаш мумкин.

Улар Будапешт ва айниқса унинг марказий қисми ҳаво ҳавзасини соғломлаштириш юзасидан шошилинч чоралар кўрилишини таклиф этмоқдалар. Уларнинг фикрича, шаҳарда танг вазият вужудга келган. Ҳар йили «истеъмол» қилинадиган саломатлик учун зарарли моддалар қарийб 400 минг тоннани, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса кунига бир килограмм қурум ва бошқа химиявий чиқиндиларни ташкил этади.

Табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари учун зарур молиявий харажатларни давлат ҳам, пойтахт хазинаси ҳам ҳозирча кўтара олмайди. Худди шунинг учун ҳам Венгрия кўкатпарварлар партияси анча тез ва катта сарф-харажатларсиз амалга ошириш мумкин бўлган конкрет таклифлар билан чиқди. Кўкатпарварлар машинани қолдириб, буёғига пиёда ёки жамоат транспортида кетиш мумкин бўлган автомобиль турадиган қўшимча жойлар яратиш йўли билан автомобилчиларни шаҳар марказида бирмунча камайтиришни таклиф этишмоқда. Венгрия кўкатпарварлар партияси автомашиналардан чиқадиган тутунни зарарсизлантирадиган махсус асбобларнинг кенг жорий этилишини ҳам самарали йўл деб ҳисобламоқда. Бундай мосламаларни ҳозирнинг ўзидаёқ автодўконлардан бемалол сотиб олиш мумкин.

ЯНГИ ҲУКУМАТ

СОФИЯ. Буюк халқ мажлиси Болгариянинг янги ҳукуматини яширин овоз бериш йўли билан сайлади. Ҳукуматнинг таркибини БХР Министрлар Кенгашининг Раиси А. Луканов таклиф қилди. Овоз беришда парламентнинг 400 депутатидан 219 киши қатнашди. Оппозиция намояндалари овоз беришда қатнашишдан бош тортдилар.

Болгария социалистик партияси тарафдорларининг Софияда ўтказилган кўп минг кишилик митинг қатнашчилари А. Луканов таклиф қилган ҳукуматни қўллаб-қувватладилар. Биз мамлакатни бундан ортиқ ҳукуматсиз қолдира олмаймиз, деб таъкидлади митингда сўзга чиққан БСП Олий Кенгашининг Раиси А. Лилов. Биз янги ҳукуматнинг инсоний тинчлик ва демократияга тинч ўтишни таъминдашидан, мамлакатимиз учун ҳаётий зарурат бўлган ислоҳотларни ўтказишидан умидвормиз, деди у.

ТАНАЗЗУЛ ОСТОНАСИДА

НЬЮ-ЙОРК. Нуфузли «Форчун» журнали ўтказган саволжавоб маълумотларига қараганда, Қўшма Штатлардаги ҳозирги аҳвол яхшидек туюлаётган бўлса ҳам, аммо Қўшма Штатларда иқтисодий таназзул бошланай деб турибди. АҚШдаги кўпчилик йирик корпорацияларнинг бошлиқлари шу фикрни айтмоқдалар.

Одатга кўра, «Форчун» журналининг рўйхатига кирган 500 та энг йирик компаниянинг раҳбарлари шу тадқиқотда қатнашдилар. Улардан 71 фоизнинг фикрича, Америка иқтисодиёти ҳозирнинг ўзидаёқ таназзул ҳолатида турибди ёки яқин ўн икки ойда шундай ҳолатга тушади. Бундан роса бир йил муқаддам мана шундай умидсизликка тушган кишилар қарийб икки баравар кам — 38 фоиз эди, деб таъкидлайди журнал. Ҳозирги вақтда «катта бизнес даргалари»нинг 87 фоизи ўз корпорацияларининг келажак фаолиятини режалаштириш вақтида «таназзул тўғрисидаги гаплар»ни ҳисобга олаётганликларини айтмоқдалар.

ЖАЗО ЧОРАЛАРИ БЕКОР ҚИЛИНДИ

БУХАРЕСТ. Европа Ҳамжамиятлари Кенгаши ташқи ишлар вазирлари даражасида Руминия билан савдо-сотиқ ва иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битимни имзолашга розилик билдирди.

Руминиядан молларни импорт қилиш камситилиб чекланганлиги бекор қилинади, савдо-сотиқ ва ишлаб чиқариш соҳаларида бевосита алоқаларни ривожлантириш учун қулай шароит яратилади. Руминия ташқи ишлар вазирлигининг вакили Т. Кебелеу журналистлар билан бўлган учрашувда ТАСС мухбирининг саволига жавоб бериб, шуларни айтди.

Учрашувда Руминия Ироққа қарши иқтисодий қамалда қатнашганлик натижасида йўқотган нарсаларининг ўрнини қоплаш учун Америка Қўшма Штатлари, «Умумий бозор», Япония ва Форс кўрфазидаги бир қанча мамлакатлардан иқтисодий ёрдам сўраганлиги айтилди.

(ТАСС).

ҚУШНИ ЭЛАТЛАР АЛОҚАСИ ТИКЛАНМОҚДА

ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ. Мамлакатнинг Синьцзян — Уйғур райони билан Совет Қозоғистони Тянь-Шань тоғлари билан ажралиб туради. Лекин ўтмишда бу табиий девор уларда яшовчи халқларнинг бир-бири билан олиб борадиган ўзаро алоқаларига сира тўсиқ бўла олмаган эди. Чунки иккала заминда ҳам бир хил миллатга мансуб кишилар яшашган, тирикчилик ўтказишган. Булар уйғурлар ва хитойлар, қиргизлар ва қозоқлар, тожиклар ва ўзбеклар, дунгани ва руслардир.

Ҳозирги кунда икки қўшни мамлакат халқларининг ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш учун мавжуд тўсқинликлар олиб ташланди. Аввало улар ўртасида савдо-сотиқ қилиш учун кенг йўл очилди. Иккала томон шаҳарлари ва қишлоқлари магазинларида совет ва хитой моллари билан савдо қилиш йўлга қўйилди. Бундан ташқари қўшма корхоналар вужудга келиб булларда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Шунингдек, транспорт тармоқлари ишга тушди. Айниқса Урумчи— Алашанькоу темир йўли ўзаро алоқада асосий ўрин тутади. Мазкур темир йўл Совет Иттифоқининг Дружба станцияси орқали ўтиб, буни янги «Ипак йўли» деб аташмоқда. Темир йўл Европа билан Жанубий Осиё регионидаги мамлакатлар ўртасидаги масофани бир неча бор қисқартиради. Икки мамлакат мутахассисларининг фикрича, бу иқтисодий алоқаларни кенгайтиришда жуда катта аҳамиятга эга.

Суратда: Синьцзян— Уйғур автоном районининг маъмурий маркази Синьцзян шаҳри. Шаҳарнинг фан ва техника уйида яқинда Қозоғистон ССРнинг экспорт моллари кўргазмаси муваффақиятли ўтди.

В. Будневич олган сурат (ТАСС).

АҲОЛИСИ ЭНГ БОЙ МАМЛАКАТ

● ЖЕНЕВА, 24 сентябрь. (ТАСС мухбири Виталий Макарчев). Швейцария аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача даромад бўйича жаҳонда биринчи ўринни эгаллаб турибди.

Жаҳон банки эълон қилган ва БМТнинг Женевадаги Европа қароргоҳида тарқатилган докладида айтилишича, Швейцария фуқароси йилига ўртача 30 минг 270 доллар ишлаб топади. Эфиопия билан Танзания фуқароларининг йиллик даромади энг кам — 120 долларни ташкил этади.

Бир қанча йиллар мобайнида аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромади энг кўп мамлакатлар рўйхатида биринчиликни сақлаб келаётган Швейцариядан кейинги ўринларда Люксембург (24 минг 860 доллар), Япония (23 минг 730 доллар) ва Скандинавия мамлакатлари — Финляндия (22 минг 60 доллар), Норвегия (21 минг 850 доллар), Швеция (21 минг 710 доллар), Исландия (21 минг 240 доллар) турибди. АҚШда фуқароларнинг йиллик ўртача даромади 21 минг 100 долларга тенгдир.

Докладда ўтган йили жаҳоннинг 64 мамлакатидаги, аввало Сахройи Кабирдан жануброқда жойлашган Африка мамлакатларидаги 900 миллион кишининг даромади камайган. Хитой билан Ҳиндистонда аҳоли ўртача даромадининг анча кўпайганлиги қайд этилган.

АМЕРИКАЛИК МАШҲУР ЖУРНАЛИСТ ҚАЛТАКЛАНИБ ТУНАБ КЕТИЛДИ

ВАШИНГТОН, 24 сентябрь. (ТАСС). Америка пойтахтида номаълум жиноятчи АҚШнинг кўпгина газеталари учун асосан ташқи сиёсий мавзуларда мақола ёзадиган америкалик машҳур журналист Жек Андерсонни тунаб кетди.

67 ёшли Андерсоннинг жума куни хабар қилишича, у иш куни тугаганидан кейин автомобиль турадиган жойга кетаётганида унинг олдига номаълум киши келган. Жиноятчи «Хайрли оқшом, сэр», — деб саломлашиб, кўрғошин қувур бўлаги билан Андерсоннинг бошига туширган ва унинг чўнтагидан 100 долларга яқин пулини олиб кетган.

«Бу одамнинг ғазабини қайнатади, чунки талончилик куппа-кундузи, гавжум кўчада, Оқ уйнинг деярли ёнгинасида юз берди», — деди журналист. Полиция ҳодиса юз берган жойга Андерсон ишлайдиган идора ходимлари қўнғироқ қилгач, ўн беш минут ўтгандан кейин етиб келди. Бироқ шу куни жиноятчини қўлга олишга муваффақ бўлинмади.

Андерсонга қилинган ҳужум қонунбузарликлар тобора кўпайиб бораётган Вашингтоннинг АҚШда «Жиноятчилик пойтахти» сифатида ном қозониши қанчалик қайғули бўлмасин, тўғри эканлигини тасдиқлайди.

КАДРЛАР ЎҚУВИ

Тошкент олий партия мактабининг партия, совет ва мафкура ходимлари малакасини ошириш факультетида Ўзбекистон ва Туркманистон Компартиялари шаҳар ва район ташкилотлари назорат-тафтиш комиссиялари раисларининг икки ҳафталик ўқуви тугади.

Тингловчиларнинг диққат-эътибори марксизм-ленинизмнинг долзарб масалаларини, жамиятни демократиялаш ва кўп партиялилик шароитида КПССнинг тутган мавқеи ва ўрни, КПСС XXVIII съезднинг «Инсонпарвар, демократик социализм сари» Дастурий баёноти ва КПССнинг янги Уставидаги назарий жиҳатлар ва сиёсий вазифаларни ўрганишга қаратилди.

Машғулотлар жараёнида сиёсий системани қайта қуришнинг қандай бораётганлиги, мамлакатда барча даражадаги халқ депутатлари Советлари тўла ҳокимиятини таъминлаш йўллари, бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш масалалари, КПССни янгилаш ва партия ички турмушини демократиялашнинг аҳволи ҳамда йўналишлари таҳлил қилинди.

XXVIII съездда қабул қилинган қарорга ва КПССнинг янги Уставига мувофиқ партияда тузилган назорат-тафтиш комиссияларининг мақсадлари, вазифалари, ҳуқуқлари ва ишлари батафсил кўриб чиқилди.

Амалий машғулотларда, давра суҳбати учрашувлари чоғида, мунозаралар ва суҳбатлар давомида бозор иқтисодиёти шароитида молия-кредит системасининг долзарб масалалари, миллатлараро муносабатлар ва байналмилал тарбия, социалистик қонунийликни, ҳуқуқ-тартиботни ва давлат хавфсизлигини мустаҳкамлаш муаммолари ва бу ишларни яхшилаш йўллари муҳокама қилинди. Қайта қуришни чуқурлаштиришда, Ўзбекистоннинг чет давлатлар ва фирмалар билан иқтисодий алоқаларини ривожлантиришда бошланғич партия ташкилотларига, меҳнат жамоаларига амалий ёрдамни кучайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Сайёр машғулотлар ўтказилди, уларда тингловчилар Тошкент вилоятининг Коммунистик, Оржоникидзе районларида, Тошкент шаҳрининг Ленин ва Собир Раҳимов районларида партия ташкилотларида назорат-тафтиш ишини қайта қуриш тажрибаси билан танишдилар, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида эса халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни ташкил этиш тажрибасини ўргандилар.

Тингловчилар ҳузурида КПСС Марказий назорат комиссияси ҳайъатининг аъзоси, Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат-тафтиш комиссиясининг раиси Ш. М. Йўлдошев, Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат-тафтиш комиссияси ҳайъатининг аъзоси Н. А. Муҳиддинов, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академияси диншунослик ва дахрийлик институтининг профессори А. И. Ионова, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Марказий назорат-тафтиш комиссиясининг масъул ходимлари, жумҳурият бир қанча министрликлари ва идораларининг, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари сўзга чиқдилар.

(ЎзТАГ).

• *Тажриба ва ташаббус*

ҲЕЧ КИМ БЕКОР ҚОЛМАЙДИ

НОРИН РАЙОНИНИНГ ТУДА ҚИШЛОҒИ ДЕПАРАСИДАГИ КАЛИНИН НОМЛИ КОЛХОЗДА ИШСИЗЛИКНИ ТУГАТИШ УЧУН АМАЛИЙ ЧОРАЛАР КЎРИЛМОҚДА

Колхозда ташкил этилган ёрдамчи хўжаликлар бу борада қўл келмоқда. Бугунга келиб бекор юрганларнинг ярмидан кўпи ўз иш ўрнига эга бўлди. Жамоа хўжалигида ёрдамчи хўжаликлар бўйича алоҳида ранс ўринбосарлиги лавозими жорий этилди.

Ана шу қишлоқда яшовчи танишим Абдужалил ака яқинда эшик тақиллатиб келди. Лотереясига ютуқ чиққандек кайфияти чоғ эди. Ҳолбуки баҳорда кўрганимда қовоғидан қор ёғар, саломатлигини сўраганимда тўнғиллаганича:

— Тирик юрибмиз, аммо хурсандчиликка асос йўқ. Саккиз жондан ўзим ишлайман. Хотин касал, новвосни сотиб ўқишга киритган ўғлим техникумни битирди-ю, иш йўқ. Армия хизматини тугаллаган ўғлим бригадага борса, ҳозирча ишчи етарли, ғўза чопиғи бошланганда учрашарсан, деб қайтаришибди, — деганди.

Ҳозир эса яшариб кетгандай эди.

— Болалар тузукми, — сўрадим «ишлашяптими» дегани тилим бормасдан.

Абдужалил ака бақувват тишларини кўрсатиб, жилмайди:

— Сиз бехабарсиз, колхозимизда ўзгаришлар катта. Кўплаб ёрдамчи хўжаликлар ташкил этилди. Агроном ўғлим парник ёрдамчи хўжалигига ишга жойлашди. Армиядан келганини қурувчилар кооперативига олишди. Иккаласини бирлаштириб уйлаяпман, тўйга таклиф қилгани келдим.

Кишининг қувончига шерик бўлиш қандай яхши. Умрининг 30 йилдан зиёди кетмон кўтариб сувчилик билан ўтаётган, меҳнатдан бошқани билмайдиган, курорт ва санаторийларни хаёлига келтирмайдиган, ҳаётида хурсандчилик дамлари кам бўлган деҳқон қадрдонимни самимий табрикладим. Абдужалил аканинг таклифи баҳонасида қишлоққа йўлим тушди. Тўйнинг эртасига колхоз идорасига кирдим. Касаба уюшмаси комитети ранси Иноможон Сиддиқов билан суҳбатлашдим.

— Турғунлик йиллари деб аталаётган даврда «қишлоқларнинг шаҳарга тенглашиб қолганлиги, одамлар бахтиёр ҳаёт кечираётганлиги» ҳақида ҳаммани алдаб ёлғончиликка зўр бердик, — деди Иноможон ярим кулиб, ярим жиддий. — Ёлғоннинг умри қисқа бўларкан. Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади, деганлари тўғри. Оқибатда жамиятимизни, айниқса, қишлоқ меҳнаткашлари турмушини шундай ночор аҳволга олиб келдик. Даладаги иш билан барчани таъминлай олмай қолдик. Бинобарин, биринчи навбатда ана шу ижтимоий иллатни бартараф этишга киришдик.

Кейин И. Сиддиқов бу хайрли ишнинг бошланиши ҳақида ҳикоя қилишга тушади.

— Эрта баҳор кунларида ёшлар тўпланадиган одат чиқаришди. У ёқдан-бу ёққа бемақсад боришар, бошқалар асабига тегишарди. Улар мактабни битиришган, кўпчилиги йигитлик бурчиниям бажариб келишганди. Экишга ҳозирлик қизиб кетган бўлса-да далага чиқишмас, негаки, бригадаларда ишчи кучи етарли, фермада ҳам аҳвол шу тариқа эди. Шунда комитетимиз колхоз ривожланиши билан ёшларни ишга жойлаштириш масаласини қараб чиқди. Лекин қаерга? Иш ўринлари банд-ку!

— Алоҳида бинокорлар бригадасини тузсак-чи? — деди оқсоқоллардан бири. — Шу йилнинг ўзида 404 колхозчи оиласига иморат қуриш учун ер участкаси берилди. Турар-жой тиклаб олиш барчанинг қўлидан келмайди. Шу маҳалгача фаолият кўрсатиб келган қурилиш бригадаси колхоз ҳисобидаги бинолар қурилиши ва ремонти билан шуғулланса. Янгидан тузиладиганига ташкилотчи, ҳунармандроқ кишилардан бир-китиб қўйсакда, улар аҳолининг шахсий уй-жойларини тиклаш билан банд бўлишса.

Таклиф маъқул тушди. Ҳозиргача 22 ёшни бирлаштирган «Бинокор» кооперативи ўнлаб хонадонлар учун турар жойлар бунёд этди.

— Ўйлаб кўрсак, кооперативга тортилган йигитлар қишлоғимизда бекор юрганларнинг кичкинагина бўлаги экан, — дея давом этди суҳбатдошим. — Ишсизликни бартараф этишнинг кенг кўламдаги имкониятларини қидириб топишга киришдик.

Касаба уюшмаси комитети раисининг гапларида жон бор эди. 22 бекорчига иш топиш билан муаммони ҳал этиб бўлмасди. Дарҳақиқат, қишлоқдаги 8 мингдан ортиқ аҳолининг 966 нафаригина колхоз ишлаб чиқаришида меҳнат қилади. Пенсионерлар, боғча ва мактаб ёшидагилар, уй бекаларини ҳисобламаганда ҳам 600 нафар атрофида ишсиз мавжуд. Армия хизматидаги 50—60 йигитнинг эрта-индин уйга қайтишини, улар ҳам тирикчиликнинг сергалва араваси ғилдирагини айлантиришга тушишини эътиборга олсак-чи?

Бундан ташқари, дала ишлари тобора механизация зиммасига юклаб борилмоқда. Бу йил етиштирилган пахтанинг 70 фоизини машиналарда йиғиштириб олиш мўлжалланган. Пахта майдонларидан тортиб сабзавот пайкалларигача оилавий пудратчиларга бўлиб берилган. Ер етмасдан бекор қолаётганлар ҳам ишсизлар қаторини тўлдирмоқда.

И. Сиддиқов билан идорадан чиқиб сал юрмасимиздан ўнг тарафдаги темир дарвоза пештоқига ёзилган: «Калинин номли колхоз ёрдамчи хўжалиги» деган сўзларга кўзим тушди. Худди шу ерда колхоз правлениеси раисининг ёрдамчи хўжаликлар бўйича ўринбосари Йигитали Акромов билан учрашдик. Суҳбатимиз табиийки, ўзимизни қизиқтираётган мавзуда кетди.

— Одамларнинг касб-кокорига қараб, ҳунари йўқларнинг эса турли хил мутахассисликка ўргатиш усулини қўлламоқдамиз, — дейди ўртоқ Акромов. — Суриштириб кўрсак, ота касбини эгаллаганлар анчагина. Шу асосда тандирчилик цехи ташкил этдик. Муҳаммаджон Тешаев бошлиқ цехда 6 киши ишлаяпти. Келадиган даромаднинг тенг ярми цехдагилар чўнтагига тушади. Хом ашё, транспорт колхоз ҳисобидан. Қишлоқнинг 3 жойида қассоблик дўкони, 4 та новвойхона очдик. Бу биринчидан, 15—16 кишини ижтимоий фойдали меҳнат билан банд этса, иккинчидан, уй бекалари ва далада ишлаётганларни иссиқда нон ёпиш машаққатидан озод қилмоқда.

Козимжон Бойматов раҳбарлигидаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш цехига кириб келганимизда иш авжида эди. Колхоз боғи ва сабзавот пайкаларидан, шунингдек, шахсий томорқа хўжаликларидан қабул қилиб олинаётган олча, ўрик, саримсоқ пиёз ва бошқа хил маҳсулотлар ювиб, тозаланиб шиша идишларга жойланмоқда. Ҳозирча цехда 20 га яқин киши икки сменада меҳнат қиляпти. Муножатхон Болтабоева, Баҳринисо Нажмиддиноваларни коллектив байроқдорлари сифатида таништиришди. Улар ўз ишларини пухта эгаллаб олиб, бошқаларга ўрнак бўлишяпти. Ўртача ойлик маошлари 160—170 сўмга тўғри келмоқда. Цехда йилига 10 минг шартли банка консерва шарбатлари тайёрлаш кўзда тутилган.

Раис ўринбосари тағин бир ижобий фактни тилга олди. Шу йилнинг ўзида хўжаликдаги 1300 дан ортиқ кишига томорқа бўлиб берилди. Мева-сабзавотларни қайта ишлаш ва қуритиш учун қабул қилиб олиш билан бирга район ва областдаги тегишли идоралар ҳамда ташкилотлар билан шартномалар тузилмоқда. Ушбу шартномалар асосида меҳнат дафтарчалари очилди. Қарабсизки, бажарилаётган иш меҳнат стажига ўтиб, улар давлат социал-таъминот нафақаларидан баҳраманд бўлиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Шунингдек, 1991 йилдан эътиборан мевани қайта ишлаш цехларининг хом ашёга бўлган талабини тўлароқ қондириш учун 9 гектар майдонга қулупнай ва консервабоп бошқа турдаги сабзавот экинларидан деҳқончилик қилиш мўлжалланмоқда.

Ёрдамчи хўжалик территориясидаги плёнка тайёрлаш цехи ҳам шу йил ишга тушган тармоқлардан. Машина ва механизмлари мамлакатнинг олис шаҳарларидан топиб келтирилган мазкур цехда иш жараёни қизиқарли. Бу ерда ҳозирча турли ҳажмдаги қоғоз халтачалар, парник хўжаликларида асқотадиган плёнкалар ишлаб чиқарилмоқда. Цех маҳсулотига талаб ғоят катта. «Электротерм» бирлашмасининг Намангандаги боғ корхонасидан тортиб, қўшни жамоа ва давлат хўжаликларидан кўплаб талаблар тушмоқда. Афсуски, силсиламиз қон-қонига сингиб кетган тўрачилик маҳсулот ишлаб чиқариш ривожланишига тўсқинлик қиляпти. Цех вилоятдаги тегишли идоралар планига кирмаганлиги сабабли хом ашё топиб келтириш муаммога айланмоқда. Келажакда бу ерда пластмасса буюмлар, стаканлар, ликобчалар, гул вазалар, рангли тугмачалар ишлаб чиқариш тўзда тутилган.

Колхоз ёрдамчи хўжалигида яна бир хайрли ишга қўл урилди. Жувозкашлик цехи маҳсулот бера бошлади. Келаси йилдан уч гектар майдонда кунжут етиштириш режалаштирилмоқда.

Қишлоқда боғ-роғлар кўпайиб бораётганлиги, янгидан мевазорлар яратилаётганлиги, лимонад цехи очиш заруратини туғдирди. Эртаиндин ишга тушадиган бу цех қуввати кунига 200 яшик лимонад чиқаришга мослаштирилади. Шунингдек, металл буюмларни қайта ишловчи тармоқни ҳам вужудга келтириш, тикувчилик цехини кенгайтириш ҳаракати бошланди.

— Ошхона, ёғочни қайта ишлаш, темирчилик цехларини, икки жойдаги «Автосервис» устахоналарини қўшиб ҳисоблаганда 30 га яқин ёрдамчи хўжаликларимизда 350 нафардан ортиқ одам ўз иш ўрнига эга бўлди, — дейди колхоз правлениесининг раиси Шермуҳаммад Нуриддинов. — Бу хўжалигимиз территориясидаги борлиқ ишсизларнинг ярмидан кўпроғи. Хўш, қолганлари муаммоси қандай ҳал этилади? Ана шу саволга жавоб топиш учун астойдил бош қотиряпмиз. Чунончи, бу йил планга қўшимча 6 тонна, жами 36 тонна пилла тайёрладик. Биз топшириқдан ортиқча ҳосилни ўзимизда қайта ишлаш чорасини кўряпмиз. Тегишли идоралар билан атлас тўқиш цехи очиш масаласи ҳал этиляпти. Шу мўлжалимиз амалга ошса, яна 80—100 киши ижтимоий фойдали меҳнатга тортилади. Бундан ташқари колхоз вакиллари Наманган абрли газламалар бирлашмаси, вилоят ҳамда ноҳиялардаги тегишли ташкилотларнинг маъмуриятлари билан келишиб бекор юрганларни ишга жойлаштириш муаммосини ҳал этишга уринмоқдалар. Хуллас, мақсадимиз, ҳеч ким бекор қолмасин, ҳар бир кишининг ўз иш ўрни бўлсин.

Колхоздан қайтарканман, ўйга толаман. Дарҳақиқат, ҳадеб танқидбозлик қила бергандан, юзага келган қийинчиликлар учун кимларнидир айблай бергандан кўра амалий ишга ўтиш фурсати етмадимикан! Қанийди, биз сўз юритган жамоа хўжалигидаги ибратли ишлар бошқа колхоз-совхозларда ҳам жорий этилса!

О. ЖУМАНАЗАРОВ,
СССР Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

ЯНГИЛИКЛАР, ХУШХАБАРЛАР

Шоли топшириш ҚИЗҒИН

Гагарин дон маҳсулотлари комбинати дастлабки юз эллик тонна шолини қабул қилди.

Сурхондарёда биринчиларидан бўлиб ҳосил ўримига киришган қўриқ Гагарин деперасининг ихтисослашган хўжаликлари бу ерга ўзлари етиштирган ҳосилни олиб келишмоқда.

Корхона жамоаси янги мавсумни шай ҳолда кутиб олди. Асбоб-ускуналар созланди, йўлларга асфальт ётқизилди, вилоятнинг бошқа ғалла қабул қилувчи корхоналари ҳам бу ишларни ўз вақтида бажарди. Улар бу куз фаслида 23,2 минг тонна шоли қабул қилиб олишлари керак. Ундан олинган гуруч асосан вилоят аҳолисига сотилади.

Енг шимариб

Хоразм «Облагрострой» бирлашмасининг ишчи ва мутахассислари қишлоқни ижтимоий ривожлантириш режасини бажаришга енг шимариб киришдилар.

Улар кўплаб уй-жой, бинолар ҳамда ишлаб чиқариш ва маданий-маиший иншоотлар қуришди.

Йил бошидан бери вилоят қишлоқларида бинокорлар 45 минг квадрат метрдан кўпроқ замонавий шинам уй-жой, бир ярим минг ўринли болалар боғчалари, қарийб 7 минг бола ўқийдиган мактаблар, шунингдек касалхона, клуб ва бошқа кўплаб иншоотларни фойдаланишга топширдилар.

Бу йил бирлашма жамоалари 65,5 миллион сўмлик пудрат ишини бажариши керак. Улар йил охиригача қарийб 3 минг ўринли мактабларни, кўплаб уй-жойларни фойдаланишга топширишлари керак.

(ЎзТАГ).

Яқинда ЎзТАГ мухбири Ш. Алимов Ёзёвон районидаги З. Ғаниева номли совхознинг А. Абдуллаев бошлиқ бригадаси далаларини айланиб бир неча сурат олиб қайтди. Ижара усулига ўтиб меҳнат қилаётган мазкур коллектив аъзолари бу йил мўлжалдагидек ҳосил етиштирганлар. Бригададаги икки звено эса пахта сотиш режасини қисқа муддатларда бажаришди.

Суратда: бригадир А. Абдуллаев ва механизатор М. Ғафуров.

• *ТИЛ ҲАҚИДАГИ ҚОНУН—АМАЛДА*

САБР ҚИЛИШ ҚАЧОНГАЧА?

Она тилимизга давлат мақоми берилганига ҳам йил тўлай деб қолди. Ибтидоси-ю, интиҳоси билан саккиз йилда амалга оширилиши мўлжалланган Қонун учун бу қисқа муддат эмас. Шу ўтган давр тарих учун бебадал бўлди: бирин-кетин ўрон (гимн), туғро (герб) ҳақида қарорлар қабул этилди. Айниқса, жумҳуриятимизнинг мустақиллиги ҳақидаги Баёнот (декларация)нинг эълон қилиниши онгимиз қутбидаги асрий музлар эрий бошлаганидан далолат берди.

Ўронимиз матни, туғромиз рамзи кўрик орқали тайёрланмоқда. Бу яхши. Одатда давлат рамзлари халқнинг тарихини, ўзига хослигини, миллийлигини, орзу ва истиқболини ифода қилиши шарт. Шу жиҳатдан бизда қадимда гимн, герб бўлганми, деган саволга жавоб ахтариш ва шундан кейингина янги матн, янги тасвир учун кириш ўринли бўлур эди. Манбалар ўрон ҳамда туғро ҳам, шунингдек, миллий байроғимиз ҳам бўлганлигини тасдиқ этади. XIX аср сўнггида яшаган олим ва адиб Салоҳиддин Тошкандийнинг «Темурнома» асарида мўғул босқинчиларига қарши озодлик курашини бошлаган мовароуннаҳрликларнинг, уларнинг йўлбошчиси Амир Темурнинг ўз ўрони, туғроси ва ранг-баранг байроқлари бўлганлиги қайд этилган.

Тўғри, жумҳуриятимиз Давлат тили ҳақидаги Қонунни амалга ошириш йўлида маълум ишлар қиляпти. Бу ҳақда жумладан, Қаршида амалга оширилаётган юмушлар мисолида сўзлаш ўринли бўлади.

Тил комиссиялари тузилди. Буни инкор қилиб бўлмайди. Дастлаб корхоналарда ўзбек тилини ўрганиш курсларини очиш расм тусини олди. Бу шунчаки ўткинчи мавсумий бўлдики, баъзи курслар бир ҳафта, айримлари эса бир ой ишлаб, тўхтаб қолди.

Қарши шаҳри ижроқўмида шундай комиссия тузилган. У ҳозиргача беш мартаба йиғилиш ўтказиб, айрим ишларни амалга ошира олди. Жумладан, «Ленинград» меҳмонхонасига «Қарши» номи берилди. Калинин номидаги кўча Нахшаб деб аталди. Улуғ ўзбек шоири Алишер Навоий номи билан аталувчи хиёбон дилни яйратиб турибди. Булар афсуски, Давлат тили ҳақидаги Қонуннинг бир жиҳати, холос.

Шаҳар кўчаларини, иншоотларини, дўконларини, маданий-маиший бинолларини номлаш ва қайта номлашда фақат Қарши шаҳрига, унинг тарихига, бугунига алоқаси бўлган исмларни, сўзларни танлаш қониқтирарли даражада эмас. Комиссия бор-у, ҳуқуқ йўқ. Масала ҳал бўлиш арафасида бир кишининг раъйи билан (аниқроғи, қовоғи билан) ё уёқлик, ё буёқлик бўлади. Масалан, шаҳарнинг қадимий Тутак дарвоза деб аталган қисмида янги чойхона ишга туширилди. Дид билан қурилган янги чойхонага шошма-шошарлик билан «Қарши» номи берилди. «Қарши» меҳмонхонаси, «Қарши» чойхонаси... Ҳозиргача Қарши шаҳрида Калинин номли мактаб, кўча, маҳалла ва яна аллақандай жойлар бор. Янги номлашнинг бундан нима фарқи бор.

Иш қоғозлари, мажлисларни олиб бориш бобида ҳам Давлат тили ҳамон ғариб ва хароб аҳволда. Масалан, бизнинг педагогика олийгоҳимизда илмий кенгаш рус тилида олиб борилади. Иш қоғозлари рус тилида. Ёзишмалар, жавоблар рус тилида. Биздаги шундай бўлгач, бошқа корхоналарда аҳвол янада чатоқ. Айрим элпарвар, халқпарвар раҳбарлар бор жойда Қонунга алоҳида ҳурмат туйғуси билан қараляпти. Бунга мен яқинда Қарши шаҳар ички ишлар бошқармасида бўлган йиғилишда қатнашиб, ишонч ҳосил қилдим. Милиция подполковниги Маҳсуд Бекмуродов ташаббуси билан ички ишлар ходимлари Давлат тили ҳақидаги Қонунни амалга оширишга астойдил бел боғладилар. Иш қоғозларини юритишда қийинчиликлар бўлиб турибди. Лекин миршаблар ўзбек тилида ёзиш-чизишнинг ҳадисини олиб, малака ҳосил қиляптилар. Тиббиёт ходимлари, савдо аҳли ҳам тил ҳақидаги Қонунни амалга ошириш юзасидан бир талай ишларни қилишга жазм этганлар. Афсуски, кампаниячилик меъдамизга сингиб кетган эканми, бу ташкилотларда ҳам дастлаб бир шов-шув кўтарилди-ю, бошланган ишлар ора йўлда қолиб кетди.

Иш шу зайлда кетса, вилоятда саккиз йилда эмас, саксон йилда ҳам бу Қонун амалга ошмайди. Зотан, мутасадди раҳбарлар қачонгача сувнинг оқимига қараб иш кўрадилар.

П. РАВШАНОВ,
Қарши педагогика олийгоҳи тарих-филология куллиёти декани, доцент.

Тилшунослар анжумани

Ф. Энгельс номли Тошкент чет тиллар институтида герман тиллари мутахассисларининг халқаро анжумани ўз ишини бошлади. Анжуманда совет тилшунос олимлари, Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон, Москва, Ленинград немис тили ўқитувчилари билан бирга ГДР билан ГФРдан келган тилшунослар ҳам иштирок этишмоқда.

Учрашув программасида илмий ахборотлар бериш, мактаблар ва олий ўқув юртлари учун немис тили ўқитувчилари тайёрлаш муаммолари, янги методикалардан, ўқитишнинг замонавий техник воситаларидан фойдаланиш юзасидан мунозаралар ўтказиш кўзда тутилган

Анжуман иштирокчилари Ўзбекистон олий ўқув юртлари ва мактабларида чет тилларни ўқитиш қандай ташкил этилганлиги билан танишадилар. Немис олимлари немис тили ўқитувчилари, шу тилни ўрганаётган аспирантлар ва талабалар учун маслаҳатлар берадилар.

(ЎзТАГ мухбири).

Аввал хабар берилганидек, Қорақалпоғистонда ЮНЕП (БМТнинг атроф-муҳит дастури) мутахассисларидан бир гуруҳ иш олиб бормоқда. Улар бу ерга Орол денгизини сақлашга доир ҳаракат дастури лойиҳасини тайёрлаш учун келганлар. Унинг таркибида сув ресурсларидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш муаммолари устида ишлаш учун ихтисослашаётган таниқли совет ва чет эл олимлари, социологлар, зоологлар, географлар, шифокорлар, шунингдек Би-би-си телекомпаниясининг вакиллари бор.

УМУМИЙ КУЧ-ҒАЙРАТ БИЛАН ОРОЛНИ САҚЛАЙМИЗ

Мухтор жумҳурият Вазирлар Кенгашида ялпи мажлис бўлди. Мажлисда СССР Фанлар академияси этнография, сув муаммолари ва география институтларининг вакиллари Орол минтақасини ривожлантириш тарихи, Орол денгизи сув мутаносиблигининг ўзгариши, бу жараённинг одамлар саломатлиги, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг аҳволига таъсири масалалари юзасидан илмий ахборотлар беришди.

Мажлисда мутахассисларнинг бу ерга келишидан асосий мақсад Қорақалпоғистон мухтор жумҳурият ҳукуматига илмий тавсиялар беришдан иборат. Ана шу тавсиялар асосида Оролни қайта тиклаш, минтақадаги экология вазиятини барқарорлаштириш, маҳаллий аҳоли турмушини яхшилаш юзасидан тадбирлар туркумини ишлаб чиқиш мумкин бўлади. Аввалги йилларда Ўрта Осиё қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришга жуда катта маблағ сарфланганлиги кутилган самарадаёқ етиштирилган ва йиғиб олинган ҳосилнинг бир қисми нобуд бўлаётганлиги ҳам ана шу ҳолат билан изоҳланади. Олимларнинг фикрига қараганда, фақат Ўзбекистоннинг ўзида шу сабабга кўра далалар, боғлар ва полизларда етиштирилган маҳсулотнинг учдан бир қисми йўқотилмоқда.

Мажлисда сув бойликларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳисобига Оролга қуйиладиган сувни кўпайтириш юзасидан чора-тадбирлар кўриш зарурлиги таъкидланди. Бугунги кундаги асосий вазифа, деб таъкидлашди нотиқлар, минтақадаги барча иттифоқдош жумҳуриятлар раҳбарларининг куч-ғайратларини бир ерга жамлашдан иборатдир. Бир ёқадан бош чиқариб, барча томонларнинг манфаатларини ҳисобга олувчи, ҳам совет олимларининг, ҳам ҳорижий олимларнинг илмий ишланмаларига ва тавсияларига асосланган тўла-тўкис шартномани ишлаб чиққан тақдирдагина Оролни тиклаш мумкин бўлади.

(ЎзТАГ).

• *Маҳалланг—отанг-онанг*

ФАОЛЛАР ИБРАТИ

Бундан тўрт йилча муқаддам Гулистон шаҳридаги 4-даҳанинг 21-, 21-«а» кўп қаватли уйларида илк ҳовли тўйлари ўтказилган эди. Тез орада бундай уйлар рўпарасида яна иккита тўрт қаватли уй қад кўтарди. Биринкетин одамлар кўчиб кела бошладилар. Кўз кўзга тушди, салом-алик бошланди. Ўшанда бу ерда аҳил бир маҳалла вужудга келишини ҳеч ким ҳам хаёлига келтирмаган эди.

Кунлардан бир куни 21-уйда истиқомат қилувчи Ўринбой Норбоев қўни-қўниларни тўйга чорлади. Мўъжазгина дастурхон атрофида маҳалладошлар илк бор тўпланган эдилар. Шундан сўнг дил сўзлари айтилди. Янги хонадондаги дастлабки тўй жуда ширин ўтди.

Ана шу маъракадан кейин одамлар тез-тез йиғиладиган бўлиб қолдилар. Кимнингдир армиядан келган ўғлини кутиб олиш тантанаси бўлди, бошқа бир кишининг туғилган куни нишонланди. Ана шундай йиғинларнинг бирида қўшнилардан кексароғи шундай таклифни ўртага ташлади:

— Келинглар, ҳурматли қўшнилар. Биз ҳам маҳалламизга ном берайлик.

Одамлар кўп ўйлаб ўтиришмади. Илк бор уларнинг боши қовишувига Ўринбой аканинг тўйи сабабчи бўлди. Маҳалла — Ўринбой маҳалласи деб атўтила бошланди.

Шу куни одамлар маҳалла комитетининг раиси ва муовинини сайлашди. Ишлар юришиб кетди. Кўпқаватли уйлардаги эскича таомил бузилди. Фақат оила ташвишлари билан андармон бўлиб юрадиган кишилар ҳам маҳалла ҳаётига аралашадиган бўлиб қолдилар.

Сир эмас, катта шаҳарлардаги кўпқаватли уйларда истиқомат қилувчилар ҳатто қўшниларини ҳам танимайдилар. Ҳамма ўзи билан ўзи овора. Қоронғи тушиши билан уй-уйларига кириб кетишади. Бўш вақтларини қандай ўтказишни билмай зериксаларда, лекин шундоқ ён қўшниси нима ташвиш билан яшаётганидан бехабар қолишади.

Ўринбой маҳалласида энди бундай эмас. Бу ерда ўн бир миллат вакиллари истиқомат қилишади. Улар аҳил-иноқ. Бир-бирларининг урф-одатлари анъаналарини ҳурмат қилишади, сир асрорларидан, ташвишларидан доимо воқиф бўлиб туришади.

— Маҳалламизда ўзига хос тартиб-қоидалар шаклланиб бормоқда, — дейди маҳалла комитетининг раиси Боймирза Ўроқов, — турли тадбирлар ўтказиб турамиз. Бу одамларнинг бошини қўшади. Яқинлаштиради, тарбиялайди. Биргина ҳашарни олиб кўрайлик. Уйларимиз олдида кўкаламзорлаштириш учун анча ишлар қилдик. Ҳеч ким ишдан бош тортгани йўқ. Билъакс янги-янги ташаббуслар туғилди.

Ўринбой маҳалласида янгича анъаналар ҳам пайдо бўлмоқда. Тўй-маъракалар ва маросимларни бир жойга тўпланиб ўтказиш одат тусига кирган. Бу йил маҳаллада илк бор «Наврўз» байрами нишонланган эди. Байрамнинг тансиқ таоми сумалакни тайёрлашда барча миллат вакиллари иштирок этдилар. «Наврўз» тантанасида эса турли тилдаги қўшиқлар янгради.

Маҳалла ўзининг қувонч ва ташвишлари билан яшамоқда. Кичкинагина шодлик ҳам ўртада баҳам кўриляпти. Биргина мисол. Мавлудахон ва Ҳамиджон Турдиевларнинг кичик фарзанди Чароснинг бир ёшга тўлиши ўзига хос байрам тусини олди. Маҳалланинг каттаю-кичиги бир жойга тўпланди. Ўртага ҳарир кўйлакда оёқларига бежирим лента боғлаган қизчани олиб чиқишди. Момолар Чароснинг оёғидаги лентасини қирқдилар. У она заминга оёқларини тираб юрабошлади. «Тушов кесди» ананаси гулдурос қарсаклар билан олқишланди. Кўпни кўрган қариялар Чароснинг бошидан сочала сочдилар. Болалар қий-чув билан ўйнашдилар. Ёшлар ҳаётидаги ибратли ишлар бошқа колхоз-совхозларда ҳам жорий этилса!

Ўринбой маҳалласида янгича анъаналар ҳам пайдо бўлмоқда. Тўй-маъракалар ва маросимларни бир жойга тўпланиб ўтказиш одат тусига кирган. Бу йил маҳаллада илк бор «Наврўз» байрами нишонланган эди. Байрамнинг тансиқ таоми сумалакни тайёрлашда барчаларнинг иштирокини таъминлаш ва ҳамкорлик ишларини ташкилий ишлаш ва ҳамкорлик ишларини ташкилий ишлаш ва ҳамкорлик ишларини ташкилий иш

• *Ҳабибий таваллудининг 100 йиллиги олдидан*

ДОМЛАЖОН

(ХОТИРА)

Домла мўйсафид ҳамроҳи билан наҳорги ошга бораётган эдилар. Кўчадан ўтувчи катта-кичик, таниш-нотаниш домла билан қуюқ саломлашиб ўтарди. Тўйхонага яқинлашганда, башанг кийинган, яланг бошларида саватдай сочлари ҳурпайган йигитчалар чақ-чақлаша келиб, мўйсафидлар олдидан салом бермай шартта кесиб ўтишди. Бундан иззат-нафси қойинган домланинг ҳамроҳлари деди:

— Бу пўримларни бир оғиз одобга чақириб қўйсак бўлармиди-а, домлажон?

— Шу тобда ул-бул деб танбеҳ берсангиз, булардан тузукроқ жавоб ололмайсиз. Қайтага ўзингизга эрталабдан дилснёҳлик орттириб оласиз...

— Яъни иштаҳа бўғилмасин деб андиша қиляпсизда, домлажон? Кошки, булар андишанинг кўчасига кирган бўлишса, камтарлигингизни тушунишса!..

Тўйхонада одам тирбанд экан. Дарвоза ёнида сал кутишга тўғри келди. Ҳалиги шоввозлар эса, «ишга кечикамиз» деб липпа олдинга бостириб ўтишди. Тезроқ ичкарини кўзлашди.

Дастурхонга таклиф этилганда, тасодифан ҳалиги пўримлар домланинг қаршисига жойлашиб қолишганди. Шунда домла, йигитларга салом бериб бош қимирлатгач, «Ишга кечикадиган бўлдинглар-да, йигитчалар?» деб қўйдилар. Домланинг нозик киноясини англамаган йигитчалардан бири юзини тескари қилиб «Ничово» дея минғирлаб қўйди.

Дарвозага қайтиб чиқилганда, эгнига бухорча тўн кийиб, бошига симобий салла ўраган серсавлат одам тавозе билан домлага икки қўлини узатди. (Унинг ёнида ҳали домланинг сўзларига «Ничово» деб жавоб берган йигитча турарди). Эски ошналар ҳол-аҳвол, бола-чақадан сўрашишди. Саллали одам сўз орасида ўз ўғлининг Москвада катта мактабни битириб келиб, баландгина бир амалга мингани, ақлли-ҳушли бўлиб етишганидан оғиз кўпиртириб мақтанди-да, ёнидаги йигитга ишора қилиб қўйди.

— Ҳай, ҳай, шунақа денг-а, ошнам? Илоё айтганингиздай бўлсин, — дедилар домла атайин йигитчага эшитдириб.

Ошна эса, домла Ҳабибий айтган илмоқли гапнинг тагига етолмай ағрайганча қолди...

* * *

Ҳаммаҳаллам Ҳабибий домла билан кўп кўришиб, суҳбатлашиш насиб этган менга. Камсуқумлик, бардошлилик, ҳалимлик — у кишининг сиртга қалқиб турган хислатлари эди. Шу сабабли ҳам дўстларидан бири: «Домлажон, сизни Ҳабибий эмас, Ҳалимий десак бўларкан», деб ҳазиллашгани эсимда. У киши юпингина яшаб ўтди. Мен шунча бирга бўлиб, у кишининг бирон нарсадан бирон оғиз шикоят қилганини эшитмаганман. Ёшлари тўқсон юзини кўрган, хонанишин бўлиб, бошлари ёстиқдан узилмай қолган кезларда тез-тез кўргани кириб турдим, шунда аҳволларини сўрасам, у киши ҳар вақтдагидай некбинлик билан:

— Худога шукур, қариликдан бўлак хасталигим йўқ, — дердилар, чеҳраларини жилмайишга мойил тутардилар.

— Бизда қандай юмушларингиз бор? — деб сўралганда, «дўст-ёрларга рўшнолик тилашдан бўлак юмушим йўқ» деганлари яқинларининг ёдида.

Олтмишинчи йиллар боши, Домланинг етмиш йилликлари нишонланди. Собир Абдулла сўзбошиси ва Шукрулло таҳрири билан «Сайланма асарлари»ни нашр этдик. Китоб қўлдан-қўлга ўтиб, муаллиф шаънларига матбуотда, йиғинларда, мактубларда кўп илиқ сўзлар айтилди. Домланинг руҳлари баланд, дўстларга бош бўлиб, давраларни қизитиб юрибдилар. Ана шундай кўркам давралар Андижон шаҳар, қишлоқларида, айниқса, домла туғилиб ўсган Қўқонқишлоқда авж пардасига кўтарилганди. Биз, бир гуруҳ қаламкашлар эртадан кечгача домла билан ёнма-ён юриб, ажойиб шеърхонликдан баҳраманд бўлган ва дилрабо мусиқий оҳанглар гаштини сурган эдик.

Юбилей муносабати билан домлага икки букилиб қуллуқ қилмаган, сояларига салом бермаган одам қолмади ҳисоб. Ана шулар ичида домланинг чин ихлосмандлари, шогирдлари қатори, «шоли орқасидан курмак сув ичди» қабилидаги елим-ёпишқоқлар ҳам бўлган экан. Буни юбилейдан кейин домланинг ўз оғизларидан эшитганман.

Бир куни уйларида суҳбатлашиб ўтиргандик, нимадандир таъбилари оғригандай кўринди. Бунинг сабабини билишга қизиқиб, сўриштирдим. Юқорида айтганимдай, ҳеч қачон ва ҳеч кимга нолимайдиган одам кутилмаганда битта хирахондан шогирддан қойиниб сўз очдилар. Унинг номини пардага ўраб «сеплама шоир» деб атадилар. Юбилей кунлари энг кўп «садоқат» кўрсатиб, домлага «Улуғ сиймо, буюк аллома» дек не-не тумтароқ сифатларни тақиб, ашъор бағишлаган. Тўрда домланинг пинжларига кириб турфа мулозаматлар билан чой узатиб ўтирган — ўша «сеплама» экан. Тантаналар оппон-соппон бўлиб, энди амалий ишларга фурсат етганда, «сеплама» янги ҳунар кўрсатибди. (у газета редакцияларидан бирида хизмат қиларкан). Бир куни домлага сим қоқибди-да, илғор пахтакорлар қурултойига атаб шеър битиб беришни илтижо қилибди. Домла «Ўйлаб кўрай-чи!» деган эканлар, «сеплама» бу ишни галга солиб бўлмаслиги, бу юқоридаги раҳбарнинг топшириғи эканлигини эслатиб, писанда қилиб қўйибди.

Шундан кейин домла икки кун ўтириб буюртмани бажарибдилар. «Сеплама» чақкон дарров уни олиб кетибди. Домла шеърнинг чиқишини кутибдилар, ҳа деганда чиқавермабди. Қурултой ҳам бўлавермабди. Охир сабрлари тугаб, редакцияга қўнғироқ қилсалар, «сеплама» командировкага кетиб қолибди. Шеър эса кимнинг қўлидалиги номаълум. Ниҳоят, тағин бир ҳафта ўтгач, домла «сеплама»ни телефонда тутибдилар. Домланинг овозларини эшитиши биланоқ, «сеплама» устоздан устозга олиб, неча хил важ-корсонлар қилиб, кечирим сўрашга тушибди, шеър ҳаммага маъқул бўлгани ва албатта вақти соати келиб чиқажагини билдирибди. Домла: «Ахир, қурултойга деб шоширишнинг нима кераги бор эди?» десалар, «Тезроқ ундириш учун атайин шундоқ деганидим, домлажон, узрлар бўлсин!» дермиш сийқаланиб. «Ёлғонлаганим майли-я, — дедилар домла, — кейин билсам, шеърни йўқотиб қўйибди. Шу ўртада мен Анжонга бориб қолдим. У ерда чиқадиган газетани ўқиётиб, кўзим бир шеърга тушди. Ўқисам, унинг мавзуи-ю, айрим ташбеҳлари ҳам менга таниш туюлди. Деярли бу ўша йўқолган шеъримнинг ўзи эди. Не кўзим билан кўрай, шеър остида «сеплама шоир»нинг имзоси турарди...».

— Шунақа денг! — дедим мен ҳангу-манг бўлиб.— Кейин ўғри шоирнинг таъзирини бердингизми?

— Унга айтадиганимни айтдим. Сув юқмас ўрдак у, ўзи қилган номаъқулчиликдан ўкиниб, тавба-тазарру қилиб оёғимга йиқилгудай бўлди.

— Шундан кейин кечирдим, денг?

— Бошқа нима илож ҳам бор! Худо инсоф берсин, дедим.

— Ахир, домлажон, сизга ёмонлик қилган одамдан ўч олиш ўрнига кечириш?..

— Ҳа, ўч олиш осон, кечириш қийин. Мен шу қийин йўлни танладим. Зора, шу яхшироқ таъсир этса... Ярани фақат тиғ биланмас, малҳам билан ҳам даволайдилар-ку?

— Илтимос, домлажон, шу «сеплама»нгиз ким ўзи, очиқ айта қолинг!

Кўп қистаганимдан кейин домла «гап шу ерда қолсин» дедилар-да, икки-уч кишининг номини айтиб:

— Мана шуларнинг бари «сеплама» шоирлар, — деб кулиб қўйдилар.

«Сеплама» деган сўзнинг ўзи нима маънода экан, десангиз, бу менга ёшлигимдан таниш: махсидўз косиблар баъзан эскириб кетган махсиларни ямаб-ясқаб, қолипга солардилар-да, обдон локлаб ярқиратгандан сўнг бозорга олиб чиққувчи эдилар. Бу мол харидоргир шаклга кирган бўлса-да, аммо тикилиб қарасангиз, тагидан чоклари кўриниб турарди...

Ҳаким НАЗИР,
Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси.

СПОРТ

КУРАШ:

МЕЗБОНЛАР ЮТУҒИ

● Қорақалпоғистон пойтахтида Ўзбекистон спартакиадаси программаси бўйича мусобақа ўтказилди. Миллий курашнинг бухороча усули бўйича беллашувларда майдон эгалари муввафақият қозонишди. Улар 10 вазндан бештасида ғолиблик супасига кўтарилдилар. Хоразм ва Сурхондарё полвонлари иккинчи ҳамда учинчи ўринларни эгаллашди.

ФУТБОЛ:

ШАРҚИЙ МИНТАҚАДА

● Жумҳуриятимиз 7 командаси иштирок этаётган мазкур минтақада коллективлар мавқеларини яхшилашмоқда. Фарғонанинг «Нефтяник» ва Наманганнинг «Навбаҳор» коллективлари учрашувида дарвозага битта жавобсиз кўп киритилди. Фарғоналик футболчилар 18 ғалаба, 44 очко билан пешқадамликни мустаҳкамлашди. Находканинг «Океан» коллективи 43 очко билан иккинчи ўринда бормоқда. Чимкентнинг «Мелиоратор» ва «Навбаҳор» командаларида 41 тадан очко бор.

Муҳаррир
Р. РАҲМОНОВ.

• *Қадимий удумларимиз*

«МЕҲРЖОН»ИНГИЗ МУБОРАК!

Пойтахтимиз — Тошкентда 22 сентябрь тонги ўзгача тароват билан отди. Горький номли болалар истироҳат боғидан осмон-у заминни ларзага солиб янграган карнай гулдуроси, дўмбира урхоси, сурнай навоси шаҳарда қандайдир шодёна, хурсандчилик бошланганидан дарак берар эди. Дарҳақиқат, бу қадимий созлар чорловидан йиғилган халойиқ юртимизга қадимий шарқ байрами Меҳржон ташриф буюрганига гувоҳ бўлдилар. Отаболаримиз бундан минг йиллар илгари азиз анъана сифатида нишонлаган бу байрам, афсуски, халқимиз қалбидан йироқлашиб, унутилиб кетган эди.

Хайриятки, табиат бизни яна бир бор ярлақади. Бир гуруҳ яхши ниятли, эътиқоди бут кишилар, қолаверса, Тошкент шаҳри, вилояти раҳбарларининг саъйи-ҳаракати туфайли сахий кузимиз рамзи, Наврўзимиз йўлдоши Меҳржон меҳрига қайта мушарраф бўлиб турибмиз.

Боғнинг марказий қисмида — гулзор фаввора тепасидаги улкан баркашга тўлдириб узум бошлари уюлган. Теварак атрофдаги ана шундай катта-кичик, қулоч етмас бетон ликопларнинг ҳар бири ноз-неъматларнинг бирон тури билан безатилган. Марказдан тўрт томонга таралган йўлакларнинг икки чети ишком тарзида эгиб ясалган савдо расталарида Тошкент вилоятининг турли районларидан ташриф буюрган соҳибкорлар савдони қизитиб юборишган. Калинин район Гагарин номли совхоздан келган Бахтиёр ака Мирхонов ёрдамчиси Раънохон Ваҳобова билан ўз расталарини маҳорат ва дид билан безатишган. Ишкомларга узум занги меваси билан тараб қўйилган. Олма шохлари ҳам шундай қилинган. Харидор истаганини узиб олади.

Марказий фавворанинг тепа қисмидаги баланд сўрида «Наврўз» билан «Меҳржон» чой ичишиб, бирбирига меҳр кўрсатиб, бутун заминни кузатиб ўтиришибди. Элга олиб келган шодликларидан ўзлари ҳам беҳад шод. Пастга қўйилган сўрилардан элда обрў топган оқсоқоллар, нуроний онахонлар, ҳурматли кишилар жой олишган. Боғнинг бир бурчида ҳофизлар хониш қилса, бир бурчида аскиячилар, бир бурчида полвонлар томоша кўрсатишмоқда. Тўғридаги саҳнада эса Калинин районидаги «Иванова» давлат хўжалигидан келган «Саодат» элшунослик фольклор ансамбли қатнашчилари ижросида қозоқ, татар, корейс, ўзбек халқларининг дўстлик, биродарлик, меҳр-оқибат ҳақидаги қўшиқлари, ялла ва лапарлари куйланмоқда. Улкан карнайлардан Солиха опа Одилованинг бепоён қозоқ саҳросини кўз олдингизга келтирувчи сарин ва салобатли овози янграйди.

От ўйин, ёғоч оёқ ўйини намойиш этилади. Кимдир оғзи билан турли созлар овозини ўхшатиб теваракдагиларни лол қолдиради. Юртнинг олиму фузалолари, шоир-у шуаролари сўзи ва илҳоми билан элни эзгуликка, эркка, хурликка чорлайди.

— «Қуёш ва Ой фалакнинг икки кўзи бўлганидек, Наврўз ва Меҳржон заминнинг икки кўзидир», — деб васият қилган экан буюк бобомиз Абу Райҳон Беруний, — дейди байрам ташкилотчиларидан бири, ёзувчи Шодмонбек Отабоев. — Бу эҳтиром боиси аждодларимиз Наврўз палласи яхши ният билан ерга сочган ризқ-рўз уруғи мевасининг Меҳржон кунлари хурсандчилик билан йиғиштириб олиб, тантаналар қилишга умид ва ишора экан. Бу кунларда ёз бўйи заҳмат чекиб, мўл ҳосил етиштирган деҳқон ўз меҳнат маҳсулининг барокатидан миннатдор бўлиб, тангри марҳаматига шукроналар келтирар экан. Сўнг ана шу ноз-неъматларидан эл юртга эҳсон қилиб, савобидан шодланар экан.

— Сахийлик билан савоб қовушган жойда эса меҳр товланади, — дейди ҳаяжонини яширолмай Оржоникидзе ноҳиясидаги Ризамат ота Мусамуҳамедов номли давлат хўжалигининг узумчилик, мевачилик бригадаси бошлиғи Энвер Муротов. — Бу ажойиб байрам ҳақида ота-оналаримиздан элас-элас эшитганим бор. Бироқ бу анъананинг шу қадар жозиб бўлишини тасаввур қилмас эдим. Мен қрим-татар фарзандиман. Бригадамиз кўп миллатли. Шу ўринда юрагимда ёниб турган бир гапни айтай: Юртимизга хуш келдинг «Меҳржон». Миллатлар қалбига меҳр бўлиб кир, миллий низоларга барҳам бериб кел, дегим келади.

Энвержоннинг айтиши бўйича, у бошлиқ бригада азаматлари бу йил олма, узум, нок ва бошқа мевалардан ниҳоятда мўл ҳосил етиштиришибди. Биргина узумнинг ўзидан давлатга 1920 тонна етказиб беришга аҳд қилишган экан.

— Сиз «Меҳржон» байрамини қандай тасаввур қилар эдингиз? — деб сўраймиз шу хўжаликнинг меваларни саралаш ва жойлаш цехи бошлиғи Абдурасул Рустамовдан:

— Бу она замин меҳри билан инсон меҳрининг қовишувидан ҳосил бўлган байрам-тантана. Байрамингиз қутлуғ бўлсин! Мана бу мевалардан савоби деҳқонга тегсин, деб тотиб кетинглар, — дейди у ўтган кетганларни чорлаб, тўқима саватларга гуллар билан безатилган олма, нок, узум, беҳиларга ишора қилиб.

— Менинг тушунишимча «Меҳржон» нафақат ҳосил байрами, балки ўзига хос кўрик, мусобақа ҳамдир, — дейди Шредер номли боғдорчилик, узумчилик виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси селекция бўлими илмий ходими Райимжон Машарипов. — Бу ерда деҳқон нималар яратгани-ю, нималарга эришганини кўриб хулоса чиқаради. Ўзаро тажриба ҳам алмашади. Маҳсулоти элга манзурми, йўқми, бундан кейин қайси навларга эътибор бериши зарурлигини билиб олади.

Афсуски, киши айбсиз бўлмаганидай, ўтказилган бу катта шодиёнанинг айрим камчиликлари ҳам кўзга ташланиб қолди. Масалан, деҳқончилик касбини улуғловчи бу байрамда ўша қўли қадоқ полизчи, сабзавоткор, соҳибкорларнинг ўзи кам кўринди. Ишкомрасталарнинг аксариятида савдо ходимлари ёки бўлмаса қўлига кетмон, ток қайчи ушламаган, бир сўз билан айтганда деҳқончилик заҳматидан йироқ кишиларнинг туриши ажабланарли. Нега бу жойда шу маҳсулотни етиштирган юзлари офтобдан қорайиб, қўли кетмон сопидан қавариб кетган деҳқоннинг ўзи турмайди? Тўғри, деҳқоннинг савдога уқуви йўқдир. Бироқ унга атаб кўрсатилаётган томошаларни кўриб, ҳордиқ чиқаришга ҳаққи бор-ку! Биз келгусида ўтказиладиган «Меҳржон» байрамида шаҳарликлар билан бирга шу тантаналарнинг ҳақиқий қаҳрамонлари ҳам уюшган ҳолда ташриф буюришларини, тўю-томошанинг тўрида бўлишини истардик.

С. МУҲИДДИНОВ,
А. БОЙҚЎЗИЕВ.

Меҳржон сайилидан лавҳалар.

А. Мамадаминов ишлаган суратлар.

САЙЁР

МАРҲАБО, ДЎСТЛАР

Тарихим билган сарим тикдир эгилган бошим,
Она замин бағрида меҳнатдан топдим ошим,
Мангудир, азалийдир маконим, тоғу тошим,
Уларга таянаман, улар суянч-бардошим,
Ҳушёр бўлинг азизлар, топталмасин бирон жон,
Бугун Наврўзга эш тўй — ҳосил тўйим — Меҳржон!

Эл-улусим боғида табиатдан саховат,
Бағри беполён юртим — меҳнатимдан хўб обод!
Олмаси, шафтолиси, узуми, ноки новвот,
Юртдошларим келингиз, энди қўшиққа навбат,
Куз сайлига марҳабо, четда турманг дўстларжон,
Бугун Наврўзга эш тўй — ҳосил тўйим—Меҳржон!

Таърифин жо этганлар қадим Беруний бобом,
«Қуёш ва Ой фалакнинг икки кўзи», вассалом,
Наврўз ила Меҳржон этсин мангулик давом,
Замин қўш кўзи улар — эътиқод шудир тамом,
Салом сайри кузимиз, четда турманг, эҳ, бир жон,
Бугун Наврўзга эш тўй — ҳосил тўйим — Меҳржон!

Реклама ва эълонлар

ЦентрНТТМ Восток

ТАШКИЛОТЛАР, МУАССАСАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР

ДИҚҚАТИГА!

«ВОСТОК» ЕШЛАРНИНГ ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ИЖОДИЁТИ МАРКАЗИ

илмий лабораторияларнинг ишини ташкил этиш учун бино ёки унинг бир қисми (қавати, бинолар оралиғи)ни, **ё бўлмаса хусусий уйни узоқ муддатга (камида 5 йил)**

ИЖАРАГА ОЛАДИ

Тошкент ташқарисидаги ва телефонсиз уйлар таклиф этилмасин.

33-15-93 телефони орқали соат 10 дан 19 гача маълумотлар олиш мумкин.

«ВОСТОК» ЕШЛАРНИНГ ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ИЖОДИЁТИ МАРКАЗИ

«СОЮЗРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА

ЎЗБЕКИСТОН ССР СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ МУЗЕЙИ ИШЛАБ ТУРИБДИ

Музейнинг бўлимлари бу ерга келувчи томошабинларни Ўзбекистонда соғлиқни сақлашнинг ривожланиши билан таништиради, ўсмирларни соғлом турмуш тарзида тарбиялаш тўғрисида ҳикоя қилади, медицина ва гигиена билимларини кенг пропаганда қилади.

«ШИША ОДАМ» модели ички аъзолар тузилишидан тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Буюк ҳаким, файласуф Абу Али ибн Синонинг 1010 йиллигига, Маъмун II Академиясига ҳамда «Тиб қонунлари» бўйича яратилган тиббиёт асбобларига бағишланган иккита зал бор.

МУЗЕЙДА ЭКСКУРСИЯНИ МАЛАКАЛИ ШИФОКОР-ЭКСКУРСОВОДЛАР ОЛИБ БОРИШАДИ.

Музейга кириш бепул, гуруҳ ҳолда ташкил этилган.

Музей соат 10.00 дан 18.00 гача ишлайди.

Дам олиш куни якшанба.

Буюртмалар қуйидаги телефонлар орқали қабул қилинади: 33-41-53, 33-40-53.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, И. Охунбобоев кўчаси, 30-уй. 5, 17-троллейбус, 5, 7, 12, 26, 52-автобусларнинг «Жуковский кўчаси» бекати.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги

ЖУМҲУРИЯТ ПУЛЛИ МАСЛАҲАТ ПОЛИКЛИНИКАСИ

5 ОКТЯБРЬ СОАТ 16.00 ДА

Даволаш — профилактика муассасаларининг раҳбарлари, кардиология, терапия, жадал терапия ва бошқа бўлимларнинг мудирларини

Касалликни шахсий компьютерлар негизида электрокардиография йўли билан аниқлаш бўйича шифокорнинг автоматлаштирилган

ИШ ЎРНИ НАМОЙИШИГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Системанинг амалий соғлиқни сақлашда қўлланилиши шифокорнинг меҳнат унумдорлигини 2—3 баравар, касаллик аниқланишини эса — 50—80 баравар юксалтиради.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 2-уй, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Жумҳурият пулли маслаҳат поликлиникаси. Телефонлар: 44-30-10, 44-31-04.

●

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 25/IX да **Флория Тоска**, 26/IX да **Риголетто**, 27/IX да **Гофман эртаклари.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 25/IX да **Пуч**, 26/IX да **Тақдир эшиги.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 26/IX да **Шайтон ва муридлар**, 27/IX да **Аршин мол-олон.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 25/IX да **Лаҳма куёв**, 26/IX да **Майсаранинг иши**, 27/IX да **Фармонбиби аразлади.**

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА «ПХЕНЬЯН—90» Цирк санъатининг барча жанрларидан иборат катта ранг-баранг дастур.

Ўзбекистон ССР Алоқа вазирлиги коллегияси ҳамда алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси Тошкент шаҳар почта алоқаси ва матбуот тарқатиш бирлашмаси бошлиги

Усмонали Исмоилович ИСМОИЛОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг Жумҳурият телевизион маркази жамоаси жумҳурият телевизион маркази директори

Ҳамидулла НАЗИРОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

№ 219. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12